БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЁШ ЛЕНИНЧИ

Газета 1925 йил 8 февралдан чиқа бошлаган

1990 йил 30 август
Пайшанба
№ 164 (13.600).
Баҳоси 3 тийин.

• ЎЗБЕКИСТОН ЛКЁИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИНИНГ БОШ НАШРИ •

ПАХТА ТЕРИМИ БОШЛАНДИ

Тўрткўл ноҳиясидаги «Победа» жамоа хўжалигининг С. Раҳимова, С. Собуров, К. Бекиева бошлиқ оилавий звенолари пахтани саралаб териш киришдилар.

Пахта ўтган йилга нисбатан бир ҳафта олдин етилди, лекин шунга қарамай, бу ерда теримга пухта тайёргарлик кўришга улгиришди.

— Аввал бўлганидек, асосан «зангори кема»ларни ишга соламиз, — дейди жамоа хўжалиги бошқарувининг раиси С. Искандаров.—Яқин кунларда ернинг ўзидан туриб, ғўзаларнинг баргини тўкиш учун дорилай бошлаймиз. Авиаторларнинг хизматидан фойдаланмасликка қарор бердик. Хом ашёни асосан биринчи навларга топшириш ниятидамиз. Одамларнинг кайфиятига қараганда «оқ олтин» мавсумининг муддатлари қисқа, натижалари эса салмоқли бўлади.

Қўшни хўжаликларда ҳам пахта терими бошлаб юборилди.

Қорақалпоғистон АССР.



Роҳат Ҳусаинова Хоразм қизи, Урганч пиллакашлик фабрикасида меҳнат қилади. Корхонадаги кўпгина ҳамкасб тенгдошлари унинг номини ҳурмат билан тилга олишади. Бунинг боиси бор. Роҳат ўзининг ақл-заковати, билим ва тажрибаси билан ана шундай эътиборга сазовор бўлаётир.

Бугунги кунда урганчлик пиллакашлар катта марраларни кўзлаб ишламоқдалар. Меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот таннархини арзонлаштириш уларнинг бирдан-бир мақсадидир. Ҳақиқий ютуққа фақат ана шулар орқали эришиш мумкинлигини корхона жамоаси сингари Роҳат ҳам яхши англайди.

СУРАТДА: фабрика ипакни қайта ўраш цехи ишчиси Роҳат Ҳусаинова.

Жумабой ҚОЗОҚ олган сурат.

МЕҲНАТКАШЛАР МАНФААТЛАРИ МУҲОФАЗА ЭТИЛСИН

Тошкентда Ўзбекистон ССР Маҳаллий саноат ва коммунал-маиший хизмат корхоналари ходимлари касаба уюшмасининг съезди ўз ишини туғаллади. Делегатлар тармоқ касаба уюшмаси жумҳурият қўмитасининг ҳисоб берилаётган беш йиллик давр учун қилган ҳисоботини муҳокама қилдилар, бошланғич касаба уюшмалари ташкилотларининг фаолиятини корхоналар янги иқтисодий шароитларга ўтаётган пайтда қайта қуриш вазифаларини белгилаб олдилар.

Муҳокама қилинган масала юзасидан қабул қилинган қарорда съезднинг кўпчилик делегатларининг касаба уюшмалари жумҳурият қўмитасини Марказий Қўмита деб қайта номлаш тўғрисидаги фикри ўз ифодасини топган. Бу Марказий Қўмита меҳнаткашлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда кенгроқ ваколатларга эга бўлади.

Делегатлар мустақил тармоқ касаба уюшмасининг Ўзбекистон ССР ва СССР касаба уюшмалари федерациясига кириши тўғрисидаги масалани кўриб чиқдилар. Жумҳурият ва мамлакат касаба уюшмаларининг бўлажак съездларига делегатлар сайланди.

Съездда касаба уюшмасининг устави ва дастури қабул қилинди.

Ўзбекистон ССР Маҳаллий саноат ва коммунал-маиший хизмат корхоналари ходимлари касаба уюшмалари Марказий Қўмитасининг раиси этиб А. Ш. Сафаев сайланди.

САЛОМАТЛИК ДЎСТЛАРИНИНГ СЛЁТИ

ТОШКЕНТДА «Саломатлик ёш дўстлари»нинг XVI жумҳурият слёти бўлиб ўтди. Ўзбекистон ССР Қизил ярим ой жамияти Марказий Қўмитаси унинг ташкилотчиси бўлди.

«Пионер эрталиги» кашшофлар лагерида вилоят слётларида ғолиб чиққан тўқсондан зиёд ўқувчи тўпланди. Улар ўзларининг дастлабки тиббий ёрдам кўрсата билиш, беморларга қараш юзасидан кўникмаларини намойиш қилдилар. Мусобақалар дастурига кўра, доривор ўсимликларни, санитария-гигиена тарбияси назариясини, Қизил ярим ой жамияти тарихини билиш керак эди. Слёт иштирокчилари учун кенг маданий-кўнгилочар программа ташкил қилинди.

Ҳозир Ўзбекистонда 4—8-синфларда ўқийдиган 20 мингдан кўпроқ ўқувчи ўзини саломатлик ёш дўстлари деб ҳисоблайди. Улар меҳр-мурувват хайрия ишларида катталарга фаол ёрдам беришмоқда.

Жумҳурият слётининг ғолиблари «Артек» Бутуниттифоқ кашшофлар лагерига йўлланмаларни қўлга киритдилар.

(ЎзТАГ).

«ҚАҲРАБО ДОН» ТОПШИРИЛМОҚДА

Ульянов ноҳиясидаги СССР 60 йиллиги номли давлат хўжалигининг Н. Худойбердиев бошлиқ ижарачилар бригадаси ўзига бириктирилган қирқ гектар майдондаги маккажўхорини йиғиштириб олиши учун бир ҳафтадан камроқ вақт керак бўлди. Чўлқуварларнинг муваффақияти бежиз эмас: ишнинг яхши ташкил қилиниши ҳамда тажрибали механизатор Б. Бозоровнинг фидокорона меҳнати бунга асос бўлди.

Ҳозир Қашқадарё вилоятининг барча ноҳияларида дон учун етиштирилган маккажўхори ўриб олинмоқда. Бу йил қарийб тўрт минг гектар ерга маккажўхори экилган. Ҳосилнинг қарийб ярми давлат буюртмаси ҳисобига топширилади, қолган қисмини хўжаликлар уруғлик ва озуқа фонди учун олиб қўядилар.

АРМИЯ ХИЗМАТИГА ЭЪТИБОР БЕРАЙЛИК

Ўзбекистон ССР Олий Шўроси Президиумида Ўзбекистон ССР Олий Шўроси қўмиталари раисларининг кенгаши бўлди. Ўзбекистондан ҳарбий хизматга чақирилган ёшлар ўз бурчларини қандай ўтаётганлиги хусусидаги масалалар кўриб чиқилди. Кенгашда Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округининг ҳарбий бошлиқлари, ҳарбий прокуратура, ҳарбий комиссарнат вакиллари қатнашдилар.

Кенгашни Ўзбекистон ССР Олий Шўросининг Раиси М. И. Иброҳимов очди.

Мудофаа масалалари ва ҳарбий хизматчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш комиссиясининг раиси В. Р. Ниёзматов ахборот берди.

Кенгашда СССР Қуролли Кучлари сафларида хизмат қилиш шўро кишиларининг фуқаролик бурчи эканлиги таъкидланди. Ёшлар армияда тобланадилар, муайян касб-кор тайёргарлигидан ўтадилар, байналмилалчилик руҳида тарбияланадилар. Маҳаллий миллат ёшлари орасидан офицер кадрлар тайёрлашга кўпроқ эътибор бериш зарур.

Кенгашда ҳарбий қисмларда хизматга чақирилганлар турли сабабларга кўра ҳалок бўлаётгани жумҳурият жамоатчилигини, халқ депутатларини, ҳукуматни жиддий ташвишга солаётганлиги айтилди. Ҳарбий интизомнинг аҳволи, мамлакат турли вазирликлари ва идоралари учун ишлаётган қурилиш бўлинмаларида меҳнат муҳофазасининг аҳволи, айниқса, номақбулдир. Нотиқлар армиядаги ўз фарзандидан жудо бўлган ота-оналарнинг қайғуси ҳамманинг қайғуси бўлиши кераклигини алоҳида таъкидладилар. Бу жиноятда айбдор бўлган шахслар ошкора равишда қаттиқ жазоланишлари керак.

Кенгашда жумҳурият ҳарбий комиссарлиги мақомини ўзгартириш зарурлиги таъкидланди, бу армия хизматига ёшларни чақириш ишларини аниқ мувофиқлаштириш, унга аниқ мақсадни кўзлаб тайёргарлик кўриш имконини беради. Шу муносабат билан ҳарбий хизматга чақирилувчиларни жисмоний жиҳатдан тайёрлашга кўпроқ эътибор бериш, ўрта ва олий ўқув юртларида юксак савияда бошланғич ҳарбий тайёргарлик ишларини йўлга қўйиш зарур. Бунда ўқув юртларини малакали кадрлар билан таъминлаш масаласи ўткир қилиб қўйилмоқда. Чақирув пунктлари ҳузуридаги тиббиёт комиссиялари жумҳуриятимизнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиб, Совет Армияси сафларига йигитларни танлаб олишга янада малакали ва жиддий ёндашишлари керак. Ҳарбий хизматга чақирилувчининг оилавий аҳволини ҳам ҳисобга олиш муҳимдир. Нотиқлар армиядаги фарзандидан жудо бўлган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш каби масалани ҳам ўртага қўйдилар, Ўзбекистон халқ депутатларининг фикрича, бундай оилаларга доимий равишда моддий ёрдам бериш зарур.

Кенгашда қисмларда ҳарбий интизом бузилаётганлиги ва улар юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар хусусида ошкоралик йўқлиги қаттиқ танқид қилинди. Кўпгина ҳолларда у ёки бу ҳарбий бўлинма командири қисмда рўй берган кўнгилсиз ҳодиса учун қандай жазо олганлиги номаълум бўлиб қолмоқда. Жамоатчилик жангчилар кўнгилдагидек хизмат қилишлари учун узил-кесил чора-тадбирлар кўрилаётганлигини, интизомбузарликда айбдор бўлган кишилар эса жазоланмасдан қолмаётганликларини билиши керак.

Ёшларни ҳарбий хизматга чақиришни ташкил этиш юзасидангина эмас, айни вақтда хизмат муддатини ўтаб бўлган жангчиларни қисмлардан ўз уйларига уюшган ҳолда жўнатиш, вилоятларнинг хизматга чақирилган ёшлар хизмат қилаётган ҳарбий қисмлар билан оталиқ алоқалари тўғрисида, армия билан ҳамжиҳатликнинг бошқа масалалари юзасидан ҳам таклифлар киритилди.

Ўзбекистон аҳолисини армияга чақиришни ва ҳарбий хизматни ўташни ташкил этишни яхшилашга қаратилган тадбирлар ҳамда ҳужжатларни тайёрлаш тавсия этилди.

Кенгашда Ўзбекистон ССР Президенти, Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг биринчи котиби И. А. Каримов нутқ сўзлади.

Кенгаш ишида Ўзбекистон ССР Вазирлар Кенгашининг Раиси Ш. Р. Мирсаидов қатнашди.

(ЎзТАГ).

Шу сонгга хабар

Поездлар шимолга йўл олди

Жарқўрғон ноҳиясидаги «Сурхон» давлат хўжалигидан Ленинградга ва Олтой ўлкасига узум ортилган дастлабки рефрижератор-вагонлар жўнатилди.

Бу йилги мавсумда хўжалик жамоаси ўзи етиштирган маҳсулотни бевосита шартномаларга кўра етказиб бериш имкониятидан тўла-тўкис фойдаланмоқда. Павлодарликлар 110 тонна, пермликлар эса юз тонна узум олишади. Ҳаммаси бўлиб эса давлат хўжалиги соҳибкорлари жумҳуриятдан ташқарига ўзлари етиштирган минг тоннадан кўпроқ маҳсулотни жўнатадилар.

Деҳқонлар ўз юртдошларини таъминлашни ҳам унутишмаяпти. Ҳозирнинг ўзидаёқ давлат хўжалиги Термиз шаҳри савдосига ўн тонна олхўри ва тўрт тонна олма етказиб берди. Беш тонна олма ноҳия маркази аҳолисига сотилди.

Қайта тикланган нав

Самарқанд бозорларида йўқолиб кетган, деб ҳисобланган «Бўрикалла» навли қовун яна пайдо бўлди. Бу ўткир ҳидли, узунчоқ, сарғимтир қовун ўз таъми ва бошқа сифатларига кўра ҳар қандай нав билан бемалол рақобатлаша олади. Куйбишев номли жамоа хўжалигида ишловчи халқ селекционери Э. Аҳмедов бу навни тиклаш учун қарийб беш йил меҳнат қилди.

Шу хўжаликнинг ўзида ишловчи яна бир ташаббускор К. Эркаев «Кўк каллапўш» навли қовунни тиклаб, уни яна қишлоқ хўжалиги оборотига киритди. Шаклан ҳақиқатан ҳам дўппини эслатувчи бу қовун мазали таъми, узоқ вақт асралганда бузилиб қолмаслиги, ташиганда эзилмаслиги билан ажралиб туради.

Комсомолни ёнларига олишди

ЭНДИЛИКДА Чита вилояти фирқа ва комсомол қўмиталари бир бинода ишлашадиган бўлишди. Илгари вилоят комсомол қўмитаси эски бинода эди. Уни тиббиёт билим юртига беришди.

Комсомол қўмитаси ходимлари саккиз қаватли вилоят фирқа қўмитаси биносининг атиги битта қаватига жойлашишди. Қолганлари эса ўз эгасида. Ҳозирги кунда фақат битта қаватга милиция ходимларининг назоратисиз ўтиш мумкин. У ҳам бўлса—комсомоллар етакчилари ишлайдиган жойга. Бошқаларига эса, афсуски...

Доҳий ҳайкали олиб қўйилди

ТБИЛИСИНИНГ марказий майдонида В. И. Ленинга ўрнатилган ҳайкал ўтган куни олиб ташланди. Бу воқеа ҳақида айрим марказий ҳамда хорижий матбуот нашрлари март ойидаёқ шошма-шошарлик билан хабар берган эдилар. Ўшанда бу хабарлар ўз исботини топмаганди.

Доҳий ҳайкали қарийб ярим йил турди. Унда ҳам ҳокимиятнинг қўллаб-қувватлаши ҳамда милиция ва ички ишлар қўшинларининг соқчилиги туфайли. Душанба куни эса нотаниш бир кимса ҳайкалга бўёқ суйкаб, пойига шина қўйиб ёқиб юборган. Тбилиси шаҳар Шўроси Президиуми яна ҳайкалга нисбатан ёмон воқеаларнинг содир қилинишининг олдини олиб, уни пойидан олиб қўйишга қарор қилди.

Шаҳар жамоатчилиги майдонни қайта қуришни илтимос қилди. Хабар қилишларича, ҳозирданоқ тегишли ишлар бошлаб юборилган.

Чекистлар ҳосил йиғим-теримида

СССР ДХҚ Пермь вилояти бошқармасининг 15 нафар офицери «Курашимский» давлат хўжалигида ҳосилнинг йиғим-теримида қатнашмоқда. Улар бир ой мобайнида қишлоқ хўжалик ишлари билан банд бўладилар. Пермь вилоятида ҳосилни йиғиб-териб олиш учун фавқулодда ҳолат жорий қилинган. «Интерфакси» мухбирига ДХҚ бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Валерий Шукин маълум қилишича, пермлик чекистлар сўнгги йилларда биринчи маротаба ана шундай мавсумда қатнашмоқдалар.

Хитой «Нуо»си топилди

Илмий тажриба доирасида Хитойдан учирилган аэростат Қозоғистоннинг Чимкент вилоятидан топилиб, Тошкентга, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мунажжимлик институтига олиб келинди.

Икки ҳафтадан кўпроқ вақт илгари Фарғона водийси ва Тошкент вилояти аҳолиси осмонда ўзидан нур таратиб ҳаракатланаётган шарни кузатган эди. Кўпчилик уни навбатдаги номаълум учувчи объект деб ўйлади. Шундан кейин аэростат жанубий Қозоғистон чегараси яқинидаги қўриқ ноҳиялар устида кўздан йўқолди.

Учирилаётганда йўл қўйилган кичкина хато аэростатнинг йўлдан адашишига ҳамда белгиланган ноҳияда ерга қўнмаслигига олиб келди. У 72 соатдан кўпроқ парвоз қилиб, деярли беш минг километр масофани босиб ўтди.

— Бу мамлакатларимиз ҳамкорлиги тарихидаги дастлабки шундай тажрибадир, — деди Ўзбекистон ССР фанлар академияси астрономия институтининг директори Т. Йўлдошбоев. — Бу тажрибани ўтказишда биздан ташқари СССР фанлар академиясининг физика институти ва хитой фанлар академиясининг юқори энергиялар физикаси институти иштирок этмоқда. Энди биз олинган материалларни биргаликда ўрганиб чиқишимиз керак.

Биринчи парвоздан кейин янги аэростатлар ҳам учирилади. Ҳамкорлик дастурида космик нурларни қайд этувчи аппаратларни биргаликда ишлаб чиқиш кўзда тутилган. Бу ускуналар аэростатларнинг ўзига ўрнатилади. Парвозлар йўналишининг айни шундай танланганлиги бежиз эмас: Пекин-Тошкент йўналиши космик нурларни ўрганиш учун ноёб имкониятлар берувчи кенгликда жойлашган.

Наслдор моллар кимошди савдо кўргазмаси

БУХОРОДА очилган кимошди савдо кўргазмасига жумҳуриятдаги етакчи наслчилик заводларидан энг яхши зотли қўйлар келтирилди. Бу ерга туркманистонлик ва тожикистонлик қоракўлчилар ҳам таклиф қилинган. Улар ҳам обрўларини тўкишни исташмайди ва ўзлари билан энг яхши зотли жониворларни олиб келишди, деб ўйлаймиз.

Қозоғистонлик қоракўлчилар эса ўзлари билан кўчма ёпиқ қўра олиб келдилар. Бу қўра бир йўла 800 қўйни боқишга мўлжалланган. У мавжуд қўралардан анча енгилроқ ва уч баравар арзондир.

— Кўргазма тугаши биланоқ, — дейди унинг ташкилотчиларидан бири, Бухоро вилояти чорва наслчилиги бирлашмасининг директори У. Қодиров, — қўйларни сота бошлаймиз. Хўжаликлар вакиллари бу ерда наслдор қўчқорлар ва совлиқларни сотиб олишлари ҳамда шу тариқа ажойиб отарларга асос солишлари мумкин.

Жумҳуриятимиз хорижийлар кўзи билан

«ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИСТИҚБОЛИ ПОРЛОҚ!»

МАМЛАКАТИМИЗДА КЎП ТУРКУМЛИ «ҚАЙТА ҚУРИШНИНГ 10 МИНГ ЧАҚИРИМИ» ДЕБ ШАРТЛИ НОМЛАНГАН ТЕЛЕФИЛЬМНИ СУРАТГА ОЛГАН ЯПОН ТЕЛЕЖУРНАЛИСТЛАРИ ШУНДАЙ ДЕЙИШДИ.

Япониядаги энг йирик Эн-ти-ви телекомпаниясининг вакиллари, шу мамлакатларга СССР Президенти М. С. Горбачев ташриф буюриши олдидан бевосита кўрсатиладиган, кенг кўламли фильмни суратга олишга таклиф этилганларида, дастлаб бу ғоянинг амалга ошишига эҳтимол ишонмаганлар. Бироқ... бепоён мамлакатимиз сарҳадлари бўйлаб босилган 20 минг чақирим йўл орқада қолди. Япон тележурналистлари суратга олган дастлабки сюжетлар япон ойнаи жаҳони орқали кўрсатилди ва мамлакатда катта қизиқиш уйғотди.

Япон тележурналистлари мана шу ойнаи жаҳон эпопеясини фильмларда ҳаққоний тасвирлашга интилганликлари ҳам муваффақият омили бўлди. Улар Уш ва Ўзганда бўлган воқеаларни ҳам тасвирга туширдилар...

Биз кўп йиллар мобайнида йўқ нарсани ҳақиқат деб ўз-ўзимизни алдаб келдик. Шундан ҳам камбағал яшамоқдамиз, ёмон ишламоқдамиз. Японлар эса ҳамиша, қандай аччиқ бўлишидан қатъий назар, бир-бирига ҳақиқатни айтади. Мана шунинг учун ҳам улар ҳозирги пайтда жаҳондаги энг ривожланган мамлакатлар рўйхатидан ўрин олиб турганлиги ҳам бежиз эмас. Улар ижодий ва самарали меҳнат қилишни биладилар.

«Қайта қуришнинг 10 минг чақирими» телефильми устидаги ишнинг иккинчи босқичи поёнига етмоқда. Унинг сўнгги тасвирлари Душанбеда олинди. Япониялик тележурналистлар Тошкентга бор-йўғи уч кунга учиб келишди. Уйга қайтишдан олдин бироз ҳордиқ чиқаришмоқчи эди.

Тошкент тайёрагоҳида меҳмонларни «Интурист»дан тўртта «Волга» (ҳар бир японга биттадан) машина билан кутиб олишга чиқишди. Меҳмонлар эса шаҳарга оддий шўро фуқаролари сингари чиқишган. Биз уларни излаб топгунча «РАФ» машинасига ўзларининг кўпдан-кўп юкларини жойлаб, ўтириб олишганди. Улар тўртта «Волга» тўғрисидаги хабарни ҳазил сифатида қабул қилишди.

Юқорида айтганимиздек меҳмонлар Тошкентга ишлаш учун келишмаган эди.

— Биз жуда чарчаганмиз, — дея изоҳ берди барча ҳамкасби учун овоз режиссёри Маседа-сан.

У Ушдами ёки Душанбеда тарвуз еган. Унинг нитрати кўплигидан ўзини жуда ёмон сезган.

Шанба куни эрталаб меҳмонлар Тошкентнинг бозорларида бўлишди. Шўро ва хорижий корхоналарнинг биргаликдаги фирмали дўконларини кўздан кечиришди, яшил дарахтларга бурканган ва меҳмонларга салом бераётгандек отилиб турган гўзал юзлаб фавворaларни, чеҳрасидан табассум балқиб турган йигит-қизларни кўришганда, аппаратларини яна ишга солишди.

Иш куни бўлмаса ҳам алоҳида рухсатномасиз Тошкентнинг энг осмонўпар биноларидан бирига чиқишга ижозат этишди. Бозорда уларнинг Япониядан келганлигини билган ҳар бир деҳқон меҳмонларга тарвуз, қовун ёки узум совға қилишни истарди. Америкалик ўзбек ўғлига — бойга қизини узатаётган ўзбек қизининг отаси уларни наҳорда бериладиган ошга таклиф этди...

Мана шунда режиссёр Хакамада-сан ўз дўстлари номидан шундай деди:

— Биз мамлакатингизнинг ярмини кезиб чиқдик. Ҳамма жойдаги дўконларнинг деярлик пештахталари бўм-бўш эканлигини кўрдик. Биз япон йенини валютадан кучли деб ўйлардик. Лекин Тошкентга келганимизда сизнинг бир сўмга бу ерда бизникига қараганда кўп нарса сотиб олиш мумкинлигини англадик.

Ўзбекистон бой, ғаройиб мамлакат эканлигига, бу ерда, ғамхўр, меҳмоннавоз кишилар яшаб, меҳнат қилаётганлигига ишонч ҳосил қилдик. Улар сиртдан бизга, японларга ўхшаб кетишади. Биз Ўзбекистоннинг порлоқ истиқболига сидқидилдан ишонамиз. Чунки сизда кўпчиликни ёшлар ташкил этади. Сизнинг қуёшли жумҳуриятингиз яқин вақт ичида қандай бўлиши айни мана шуларга боғлиқ бўлади.

Мен бошқаларни билмадим-у, бу ерга қайта келиш ва яхши ҳамда ҳақиқатни тўғри тасвирловчи фильм олишни жуда-жуда истайман... Тошкентга яна бир бор келиш истагини оператор Чикато-сан, овоз режиссёри Маседа-сан ва таржимон Сакамото-сан ҳам билдиришди.

Мирзааҳмад АЛИМОВ,
«Комсомольская правда»нинг Ўзбекистон ССР бўйича ўз мухбири.

* * *



СУРАТДА: япониялик тележурналистлар.

Е. БОТИРОВ сурати.

Инсоф ва диёнат

АХЛОҚ БЎЛИМИГА КЕЛГАН МАКТУБЛАРНИ ЎҚИБ...

АНДИЖОНЛИК ёш аёлнинг мактуби мени ўйлантириб қўйди. Рости, ҳаётимизнинг кўп қирраларини чуқур билмаслигимиз, айрим ҳолларда ҳаммаси жойида, турмушимиз бекаму-кўст, дея жар солиб келганимиз хатни ўқиган сари ўртарди. Наҳотки, мактуб муаллифи каби қишлоқ қизларининг ҳаётда ўз ўринларини топиб кетишлари шунчалик машаққат бўлса?!

«Ишга кириш учун учрамаган жойим қолмади, — деб ёзади ўз исм-шарифини айтмасликни илтимос қилган андижонлик муштарий, — ҳеч қаердан муродим ҳосил бўлмади. Таниш-билишлар учун иш бор, мен учун эса йўқ. Андижон билан Асака ўртасида қатнайвериб, оёқларда мадор қолмади. Товуқ фабрикаси, ун заводи, лимонад цехи, нонвойхона, хуллас қайси ташкилотни билсам ҳаммасига кириб чиқдим. Қиз боланинг ўзи югуриб ишга кириши мушкул экан. Ҳеч ким сенга қиё боқмайди. Бувим бу маънода менга ёрдам қўлини чўзолмаслиги аниқ». Бу мактубнинг кейинги сатрлари янада ачинарли. Беихтиёр одамни ўйлантиради. Тўғри, ҳозирги кунда жумҳуриятимизда ишга яроқли бир миллиондан ортиқ йигит-қизлар юмуш топа олмай овора. Балки, бу рақам унчалик тўғри бўлмас. Чунки қишлоқ жойларида ишсизлар тўла ҳисобга олинган эмас, уйда ўтириб қолган аёллар, қизларнинг аниқ рўйхати йўқ.

Мактубнинг давомида унинг кейинчалик Тошкентга иш қидириб келганлиги баён қилинган. Бунинг учун у бувисини алдашга тўғри келибди. «Дугонамникига бориб келаман» дея у-бу нарсани сотиб яхши ниятда пойтахтга равона бўлибди. Уни қарангки, бу ерда ҳам бахт кулиб боқмаган. Ишчи зарурлиги хусусида кўп эълонлар ўқиган бу қиз тўппа-тўғри Тошкент тўқимачилик комбинатига борибди. **«Поезддан тушиб, ишга жойлашиш учун қатнар эканман, ҳар қадамда рус тилини билмаслигим панд берарди. Соғлигим тўғрисидаги маълумотномани ололмадим. Ётоқхонага қўйишмади. Вокзалда беш кун тунаганимдан сўнг, навбатчи милиционер сезиб қолиб, яна Андижонга қайтариб юборди. Бувимнинг олдида изза бўлиб қолдим. Шундан сўнг у киши мени куёвга бердилар. Албатта, қарз-ҳавола билан. Аммо қўлимизнинг калталиги бўйнимни хам қилди. Қайнонам ўтирсам ўпоқ, турсам сўпоқ дея сепим йўқлигини юзимга соларди. Хуллас, беш ойлик гўдагим билан яна қайтиб келдим. 2 йил бекор юриб, учинчи йили турмуш қуришим менга бахт келтирмади. Мени бир нарса қийнайди: қиз бола ўзи учун жон куйдириши муаммо экан. Айримлар бу ҳаракатни нотўғри тушунишади. Уни ёмонликка йўйишлари ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас. Тошкентда иш қидириб, тентираб юрганимни ҳамқишлоқларим кўришган эди. Улар бу ерда шаънимга ёмон гаплар тарқатишибди. Мен азалдан ёмон йўлга киришни ёқтирмайман. Виждонимга хиёнат қилиш ўлим билан баравар. Буни эса уларга изҳор қила олмайман. Менинг ниятим — ҳукуматимиз энг аввало, қизларни бирор юмуш билан таъминлашга кўпроқ эътибор бериши лозим. Ана шундагина инсоний фожиалар камроқ бўлармиди!»**

Мактубнинг давомида унинг муаллифи бир бор ўз виждонига оёқ қўйганини тан олган. Бу ҳол ночорлик туфайли юз берибди. Чўнтагида тўрт-беш сўм бўлса, бирон бир юмуш топишга имкон туғилибди-ю, аммо ҳеч ким қарз бермабди. Шунда хиёнат йўлига кирган. Андижонга бораётганида бир йигит унга гап отибди. Унинг ёзишича: **«Шу гап баҳона бўлди-ю, мен ҳаётимда жуда катта хатога йўл қўйдим. Ўзимни ўзим 50 сўм деб ҳаром қилдим, ифлос қилдим...»**

Туриб-туриб хат муаллифига раҳмим келади. У тақдир учун курашган, ҳаётининг равон кетиши учун ўзини ўққа ҳам, чўққа ҳам урган. Ҳатто энг тубанлик гирдобига тушган. Зеро, буни тан олишнинг ўзи жасорат! Унинг ёзишича, Тошкентда бўлганида кўп номаъқул ишларнинг гувоҳи бўлибди. Ҳатто ҳаётда ифлослик, разилликни қалқон қилиб олганларга яқин юрса, унинг ҳам «йўли очилиши», истаган орзулари рўёбга чиқишини башорат қилишган. Аммо у бундай иккиюзламачиликка чидай олмаслиги боис, яна қишлоғига қайтиб кетибди. Афсуски, ана шундай ўзини тута билмаган, қийинчиликлар олдида эсанкираб қолган аёллар орамизда йўқ эмас. Топилади. Хўш, қани айтинг-чи, уларнинг бу ҳолга тушишига йўқчилик, турмушдаги қийинчиликлар, айрим шахсларнинг ўзгалар дардига бефарқ бўлиши сабаб эмасми? Агарда андижонлик қиздан кимдир меҳрини дариғ тутмай, унинг мушкулини осон қилганда, балки шунча гап-сўзга ҳожат қолмасмиди?! Афсуски, орамизда бундай инсофли, диёнатли шахслар кам. Аслида, улардан сабр кенгайишини истардик.

Яна бир мактуб Чирчиқ шаҳридан келган. Унинг муаллифи ўз йигитлик бурчини ўтаётган Ҳаёт Холматовдир. Унинг ўқувчилар дафтаридан бир неча варақдан ўрин олган «севги достони» кишини ўйлантиради. Ҳаёт илк муҳаббатидан жудо бўлганидан куйиниб, унинг бахтига рахна солганларни лаънатлашини баён қилган. Унинг қалбида яна муҳаббат куртаги очилмоқда... Уни бот-бот эслайди. Афсуски, уни қайтариш мушкул. Ҳаёт шуни яхши англаши керакки, инсонларнинг бир-бирига бўлган туйғуси саноқсиз синовларга дучор бўлиши табиий. Зеро, уларнинг ҳаммасини ҳам енгиш амри маҳол. Сизнинг бахтингиз ҳам ана шу тўсиқларга тўғри келган бўлса ажаб эмас. Ҳаёт эса олдинда. Унинг бахтли онлари ҳали сизга кўп бор ҳамроҳ бўлишига умид қиламиз. Фақат ноумид бўлманг!

Бу хатни сирдарёлик Ойдин Камолова йўллаган. У ҳаётимизга рахна солаётган айрим ҳолатларга барҳам берилишини талаб қилади. Айниқса, видеобарлардаги ҳаёсизлик, фоҳишабозликни кўрсатувчи ва ахлоқимизга мос келмайдиган фильмлар ёшлар тарбиясига салбий таъсир кўрсатаётганини куйиниб баён қилган. **«Ҳар бир онада ҳар бир фарзанд камол топмоқда, — деб ёзади О. Камолова. — Уларни ҳаётга тайёрлаш уларга ўргатишимиз ҳам қарз, ҳам фарз. Аммо беандиша фильмлар уларни йўлдан чиқаришга хизмат қилишдан нарига ўтмайди».** Наманган вилояти, Янгиқўрғон ноҳиясидаги Парамон қишлоғида яшовчи Муйдин Исоқов ўз мактубида бир-биримизга диёнатли бўлишга, инсоф деган инсоний туйғуни бир дақиқа ҳам унутмасликка даъват этади. У ўз қишлоғи мисолида тўхталиб, бу ердаги маданий-маиший шарт-шароитларнинг ёшлар тарбиясига ҳам ёшларнинг ҳар томонлама камол топишига тўсқинлик қилаётганини куйиниб ёзади.

ИНСОФ ВА ДИЁНАТ хусусида ота-боболаримиз бот-бот гап юритишади. Шу маънода улар ўз ҳаётларида юз берган воқеаларни сўзлашади. Зеро, ҳар бир инсон ўзига ва бошқаларга инсофли бўлса, албатта унинг камолга етиши осон кечади. Тўғри, ҳар бир шахснинг ўз йўли, ўз тақдири бўлади. Уни бир қолипга, бир йўналишга солишнинг иложи ҳам йўқ. Аммо ҳаётнинг ягона қонуни бор. У ҳам бўлса, инсоф ва диёнатни асло унутмаслик даркор!

И. УСМОНОВ.

Долзарб мавзу

ТАШЛАНДИҚ УЙ

БУ УЙНИНГ ТАНТАНАЛИ РАВИШДА ОЧИЛГАНИГА ЎН ЙИЛ БЎЛДИ. БИРОҚ ТЎРТ ЙИЛДИРКИ, У ҚАРОВСИЗ АҲВОЛДА. МАЗКУР МАСКАН В. И. ЛЕНИН НОМИ БИЛАН АТАЛАДИ.





Ҳаётда шундай кишилар борки, улар бутун умрини эл-юрт равнақига, халқнинг фаровон яшашига бахшида этишади. Неъмат ака Пўлатов шундай инсонлардан эди. У киши кўп йиллар давомида педагоглик қилди. Қарилик пенсиясига чиққач ҳам, тиниб-тинчимади. Тошкент вилоятининг Калинин ноҳиясидаги Ўртаовул қишлоқ Шўроси Ёшлик маҳалла қўмитаси раиси бўлди. Тенгқурлари Ғаффор Мирзаев, Алихон Пошшахонов, Зиё Нурмуҳамедов ва Эргаш Чориевлар билан ажойиб ишлар қилди. Шулардан бири — маҳалла четкасидаги ташландиқ жойни ўзлаштириш бўлди. Сўнгра у ерда Неъмат ака ташаббуси билан «Ленин уйи» барпо этилди.

Албатта, бу хайрли ишда маҳалла ҳудудида жойлашган гўшт комбинати, кўрлар жамиятининг ноҳия бўлими ва бошқа корхоналар ҳам баҳоли қудрат кўмаклашдилар. Майдон атрофига темир панжара ўрнатилди, мевали дарахтлар ўтқазилиб, майдоннинг ўртаси гулзор қилинди. Энди қурилиш учун материаллар — ғишт, цемент, ёғоч ва бошқалар зарур эди. Бу материалларни излаб топиш осон бўлгани йўқ. Булар учун Неъмат отанинг икки-уч йиллик умри кетди.

Тиниб-тинчимас отахоннинг ҳаракатлари бесамар бўлмади. Ўртаовул қишлоқ Шўроси 50 минг ғишт, гўшт комбинати ва кўрлар жамияти ноҳия бўлими ёғоч-тахта, Калинин ноҳия ижроия қўмитаси ва бошқа ташкилотлар ҳам ташаббусни қўллаб-қувватладилар. Шундай қилиб, қурилиш тезлашиб кетди. Бу орада хиёбонга ўтқазилган мевали ва манзарали ниҳоллар ривож олиб, хиёбон кўркига кўрк қўшди.

Калинин ноҳия фирқа қўмитаси «Ленин уйи»ни керакли жиҳозлар ва материаллар билан таъминлади. Ниҳоят, «Ленин уйи» 1980 йил 22 апрелида — доҳий таваллудининг 110 йиллиги кунида тантанали равишда очилди. Неъмат ота Пўлатов қутлуғ кунда 50 йилдан буён сақлаб келаётгани, 20-оловли йиллардаги комсомолларнинг ҳаётига доир тарихий ҳужжатларини (деворий ва суратли рўзномалар, алоҳида суратлар) доҳий уйига берди. Шунингдек, Ўртаовул бўйича Улуғ Ватан урушида қатнашган ветеранлар учун ҳам алоҳида стендлар ҳозирланди. Тошкент вилояти фирқа қўмитаси томонидан ҳадя этилган В. И. Лениннинг бюсти хиёбоннинг марказига ўрнатилган. Ғалабанинг 40 йиллиги муносабати билан хиёбоннинг юқори қисмига «Қасамёд» ёдгорлиги қўйилди. Бу ишларнинг ҳаммаси Неъмат ота Пўлатовнинг тадбиркорлиги туфайли юзага келди. Ушбу хайрли иш бутун вилоятга ибрат қилиб кўрсатилди.

Минг афсуски, 1986 йилнинг 10 сентябрида комсомол ветерани, Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси, ветеран-педагог Неъмат ота Пўлатов 76 ёшида вафот этди-ю, не-не машаққатлар билан бунёд этилган «Ленин уйи»нинг мавқеи тушиб кетди. Узоқ муддат Неъмат ота ўрни бўш қолди. Ўртаовул қишлоқ Шўроси раисаси Тўхта Қутбуддинова ва унинг ўринбосари Валижон Муҳамедовлар ҳам бу оромгоҳга керакли эътибор бермадилар. «Ленин уйи»га қулф урилди, чойхона ҳам ёпилди. Фақат ҳам боғбон, ҳам қоровул Тўхтамурод ака Норбоевнинг ёлғиз ўзи хиёбонда куйманиб юради.

Бундан бир неча йил муқаддам Ёшлик маҳалласидаги «Ленин уйи»ни бориб кўрдик. Очиғи, юзага келган аҳвол бизни таажжубга солди. Маҳалла қўмитаси раиси Ҳожиакбар ака Қосимов билан суҳбатлашдик. У киши куйиниб деди:

— Марҳум Неъмат аканинг ҳаракати билан маҳалламиз четида хароба бўлиб ётган жой кўпчиликнинг ёрдами билан кўркам хиёбонга айланганди. Отахоннинг қўли билан экилган ўрик, олма, шафтолилар ҳосилга ҳам кирди. Аммо отахон вафотидан кейин бу ерга бўлган эътибор сўнди. Ваҳоланки, бу ердаги бўш хоналардан фойдаланиб, миллий музика ёки хотин-қизлар учун тикиш-бичиш тўгараги ташкил этиш мумкин эди. Бу ҳақда биз тегишли ташкилотларга бир неча бор айтдик. Аммо ҳеч ким жон куйдирмаётир. Ахир қишлоқ Шўроси қурилиш учун озмунча маблағ сарф қилдими? Мен бу ҳақда қишлоқ Шўроси раисига, ҳатто Калинин ноҳия раҳбарларига ҳам мурожаат қилганман, аммо натижа йўқ. Энди маҳалла фаоллари ёрдамида «Ленин уйи»ни қайта тиклашга ҳаракат қилмоқдамиз.

Мана, орадан яна икки йил ўтди. Балки В. И. Ленин таваллудининг 120 йиллиги муносабати билан бирор ўзгариш бўлгандир, деган ниятда Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитасининг таклифи билан яна Ўртаовулга, «Ленин уйи»га бордик. Аммо биз аянчли аҳволнинг устидан чиқдик. Шу куни ноҳия фирқа ва комсомол қўмиталарига сим қоқиб, бу ердаги аҳволни бирров келиб кўришни илтимос қилдик (Кишини таажжубга соладиган томони шуки, шу пайтгача ноҳия комсомол қўмитаси «Ленин уйи» ҳақида бирон тасаввурга эга эмас). Аммо бирорта вакил келиб биз мухбирлар билан учрашишни ҳам истамади. Начора, биз «Ленин уйи»дан айрим лавҳаларни тасвирга олиб қайтдик.

Ҳамидулла ЙЎЛДОШЕВ,
«Ёш ленинчи» жамоатчи мухбири.
Муҳаммад АМИН,
«Ёш ленинчи» мухбири.

Хорижадан хабарлар

Телетайп лентасидан

СОФИЯ. Болгария Ички ишлар вазирлигининг вакиллари ўтган тунда экстремистлар пойтахтда Болгария социалистик партияси Олий Кенгаши биносига қилинган ҳужумнинг баъзи тафсилотларини маълум қилдилар. София Ички ишлар дирекцияси директорининг ўринбосари генерал Русиновнинг гапларига қараганда, бу ҳужумнинг ташаббускори «Подкрепа» меҳнат конфедерациясининг раҳбари Константин Тренчевдир. 46 киши ушланди, 39 киши ҳокимият вакилларига қаршилик кўрсатиш, безорилик ва ўт қўйишда айбланиб, иши тергов қилинмоқда. Уларнинг кўпчилигида фирқа уйидан олиб чиқилган буюмлар топилган. Уларнинг деярли ҳаммаси олдин судланган одамлардир.

БУХАРЕСТ. Руминиянинг Брашов шаҳридаги энг катта «Тракторул» машинасозлик заводининг 30 дан ортиқ цехлари ва хизматчилари бугун иш ташлади. Заводнинг «Адолат ва қардошлик» касаба уюшмаси раҳбарлигида ишчилар бу ерда тўпланиб қолган муаммоларни муҳокама қилиш учун мамлакат бош вазири Петре Роман келишини талаб қилмоқдалар. Шундан кейингина иш бошлаймиз, дейилади иш ташлаганлар тарқатган хабарда.

РИМ. Ғарбий Европа уюшмасига аъзо бўлган мамлакатлар ҳозиргача ўзларининг Форс кўрфази ноҳиясидаги қуролли кучлари бўлинмаларининг оператив ҳаракатлари тўғрисида аҳдлашиб олганлари йўқ. Ғарбий Европа уюшмасига аъзо бўлган мамлакатлар бош штабининг бошлиғи адмирал Ружеро ана шуни маълум қилди. У БМТ Хавфсизлик Кенгашининг 665-қарори идроклаш ва Ғарбий Европа уюшмаси доирасида тегишли қарор қабул қилиш учун маълум вақтни талаб қилишини ҳам таъкидлади.

Мамлакат ҳукуматининг қарорига мувофиқ ҳозир Форс кўрфази ноҳияси томон бораётган Италия ҳарбий кемалари 2-3 сентябрда Уммонга етиб боради. Бунгача Ғарбий Европа уюшмаси доирасида зарур оператив режалар тайёрлаб қўйилиши керак, деб таъкидлади адмирал.

ВАШИНГТОН. АҚШ Президенти Жорж Буш Форс кўрфазидаги тангликни дипломатия йўли билан бартараф этишнинг алоҳида имкониятларини кўрмаётганлигини айтди, аммо шу йўналишда муваффақиятга эришиш учун уринишларида БМТ бош котиби Хавьер Перес де Куэльярга омад тилади.


«Саддам Ҳусайн халқаро ҳуқуқ нормаларига риоя этишни шу қадар хоҳламаяптики, мен самарали музокаралар олиб бориш учун имкониятни кўрмаяпман», — деди Буш душанба куни Канада бош вазири Брайан Малруни билан биргаликда ўтказган журналистлар билан суҳбатда. Учрашув улар шу куни Президентнинг Кеннебанкпорт (Мэн штати)даги мулкида олиб боришган музокаралардан кейин бўлиб ўтди. Форс кўрфазидаги вазият музокараларда диққат марказида бўлди, деб хабар қилди Оқ уйнинг матбуот котиби Марлин Фицуотер.

ЛОНДОН. Келгуси йилда Буюк Британияда пулнинг қадрсизланиши ўртача 6,2 фоизни ташкил этади, саноатни таназзул кутмоқда, солиқларнинг камайишига умид йўқ, ишсизлар сони ҳар ойда ўртача 30 минг кишига кўпаяди. Британия саноат конфедерацияси бугун эълон қилган фаразлар ана шундай ачинарли манзарани тасвирлайди. Мамлакатдаги йирик ушбу корчалонлар ташкилотининг маълумотларига қараганда, пулнинг қадрсизланиши ҳозирги уч ойликда 10 фоизга етиб, энг юқори чўққига чиқади.

Британия саноат конфедерацияси иқтисодчиларининг фикрича, иқтисодий ўсиш кўрсаткичи пул даражасида бўлади, бу эса келгуси 12 ойда иқтисодиётга салбий таъсир қилиши мумкин бўлган бироз иқтисодий таназзул хавфини келтириб чиқаради. Келгуси йилда ишсизлар сони кўпайиб 1,6 миллиондан 1,8 миллион кишига етади.

Лейбористларнинг муқобил ҳукумати савдо ва саноат вазири Гордон Браун Британия саноат конфедерацияси фаразларини шарҳлаб, юқорида айтилган кўнгилсиз тамойиллар ҳукумат иқтисодиётни ёмон бошқараётганининг бевосита натижасидир, деди. «Ҳукуматнинг ҳаракат қилмаслиги иқтисодиётимизни ривожлантириш истиқболларига путур етказмоқда», — деди у.

(СИТА, 28 август).



Суратга қараб ажабланманг. У сунъий эмас — чин. Франциялик 28 ёшли Патриция Лопес мамлакатдаги 1433 нафар қўриқчи йўриқчилар ичида ягона аёл. Бундан уч йил муқаддам барча синовлардан муваффақиятли ўтганидан сўнг унга ана шу эркакча вазифа ишониб топширилди.

ЕПА-СИТА телесурати.

М. ТЭТЧЕРНИНГ АЙТГАНЛАРИ

ХЕЛЬСИНКИ, 28 август. (СИТА мухбири Владимир Додонов). Совет Иттифоқида Президент М. С. Горбачевнинг фаолияти туфайли инсон ҳуқуқлари ва демократик эркинликлар соҳасида, шунингдек ташқи сиёсатда ниҳоятда муҳим ўзгаришлар рўй берди. Бундай ўзгаришлар СССРнинг Ироқ Қувайтга қарши қилган босқинчилигига нисбатан билдирган муносабатида айниқса яққол кўринди. Буюк Британия Бош вазири Маргарет Тэтчер Финляндияда чиқадиган «Хельсингин саномат» рўзнома мухбири билан суҳбатда шуларни айтди. М. Тэтчер Бош вазир Харри Холкерининг таклифига биноан ўзининг бугун Финляндияда бошланган расмий ташрифи муносабати билан рўзнома мухбирининг саволларига жавоб қайтарди.

Ҳозир М. Горбачев олдида жуда муҳим вазифалар турибди: у мамлакатни бошқаришда демократик системани мустаҳкамлаши, марказ билан иттифоқдош жумҳуриятлар ўртасида янги муносабатларни вужудга келтириши ва Совет Иттифоқи иқтисодиётини иложи борича тезроқ янгилаши керак. Биз Совет Иттифоқидаги сиёсий ва иқтисодий ўзгартишлар жараёнини тўла-тўкис қўллаб-қувватлаймиз, унга Ғарбнинг амалий ёрдам кўрсатиши йўлларини излаяпмиз. Ушбу ўзгартишларнинг муваффақияти барчамизнинг манфаатларимизга жавоб беради, деб таъкидлади М. Тэтчер.

Консерваторлар ҳукумати Буюк Британияда ҳокимият тепасида турган ўн бир йил мобайнида яхшилик сари жуда катта ўзгаришлар бўлди. Мамлакатимиз жаҳонда юксак обрў қозонди. Мен келаси сайловгача ва ундан кейин ҳам агар сайловчилар шундай ҳал қилсалар, Бош вазир лавозимида ўз фаолиятимни давом эттиришга қатъий ният қилганман.

Ташриф чоғида М. Тэтчерни Финляндия Президенти Мауно Койвисто қабул қилади, у Бош вазир Х. Холкери билан музокаралар олиб боради, шунингдек мамлакат савдо-саноат доираларининг намояндалари билан учрашади. Долзарб халқаро масалалар, шу жумладан Форс кўрфазидаги тангликни бартараф этиш йўллари хусусида, Европадаги аҳвол, шунингдек Буюк Британия билан Финляндия ўртасидаги икки томонлама муносабатларни ривожлантириш юзасидан фикр алмашув бўлади.

М. Тэтчер ўз ташрифи тугаганидан сўнг Европа демократик иттифоқининг 30-31 август кунлари бу ерда бўладиган 13-конференциясида қатнашади.

ҲИНДИСТОН ЯНГИЛИКЛАРИ

Ҳиндистон пойтахтида уч йилдан сўнг маҳаллий аҳоли ва хорижий меҳмонлар ҳақиқий рус таомларидан баҳраманд бўладиган ва СССР халқлари маданияти билан таниша оладиган ёки шунчаки дам олиш вақтини хурсандчилик билан ўтказа оладиган комплекс пайдо бўлади. СССР Граждан авиацияси вазирлиги билан Ҳиндистон туризмни ривожлантириш корпорацияси ўртасида бу ерда имзоланган битимга мувофиқ Деҳлида «Ашока аэрофлот корпорейшн» Совет — Ҳиндистон қўшма корхонаси барпо этилади.

350 ўринли шинам меҳмонхона қурилиши шу комплекснинг биринчи лойиҳаси бўлади. Бу ишда маблағнинг 40 фоизи, бинобарин меҳмонхонадаги 140 ўрин совет томонига қарашли бўлади. Корпорация президенти Рам Кришна Лакшманнинг таъкидлашича, бу чет эл капитали жалб этиб қурилган Ҳиндистондаги биринчи меҳмонхона бўлади. Ҳиндистон бош вазири Вишванатх Протап Сингхнинг СССРга ташрифи вақтида эришилган аҳдномалар натижасида мазкур корхонани барпо этиш имконияти туғилди.

* * *

«Биз ўз касблари билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилишида қитъа кинематографиячиларига ёрдам берадиган, шунингдек халқларимизнинг Осиё кино санъати ютуқлари билан танишишига кўмаклашадиган «Осиё киноси фонди»ни тузишимиз лозим», — деди Ҳиндистоннинг Ахборот ва радиоэшиттириш вазири Парватханени Упендра Осиёда кино муаммоларига бағишланган конференцияни очиш чоғида сўзлаган нутқида. Осиёдаги таниқли кино санъати арбоблари тўпланган ва тўрт кун давом этадиган бу анжуманни Ҳиндистонда чиқадиган «Синемайя» жаридаси кўмагида ЮНЕСКО ўтказмоқда.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

ЯПОНИЯДА УНГА ТЕНГ КЕЛАДИГАНИ ЙЎҚ!

● 44 ЁШЛИ япон аёли Хисако Масу фарзанд кўрди. Бунинг нимаси ажабланарли дерсиз? Гап шундаки, янги меҳмон Хисаконинг 18-боласидир. Энди унинг катта оиласида 10 нафар ўғил ва саккиз қиз бор. Масу биринчи боласини 19 ёшида кўрган эди. 18-фарзанд ўзини яхши ҳис этмоқда, оғирлиги тўрт килограммга яқин.

59 ЁШЛИ КОСМОНАВТ

● «Союз — Аполлон» космик парвозининг собиқ қатнашчиси Вэнс Бренд яна космосга учмоқчи. 59 ёшли Бренд «Колумбия» космик кемасининг командири бўлиб, учишга ҳозирлик кўрмоқда. Ўз-ўзидан бу рекорд натижа бўлиши турган гап — ахир Бренд космосга парвоз этган энг кекса космонавт бўлади-да!

ҚОТИЛ АЁЛ

● СЕУЛ ноҳияларидан бирида даҳшатли қотиллик содир бўлди. 25 ёшли корейс аёл кимгадир қўнғироқ қилиши керак эди. Телефон будкаси ёнига келиб, 10 минутча кутгач, сабр-тоқати тугайди, у ерда ким биландир гаплашаётган Кан Хо Сун исмли аёлдан телефонни тезроқ бўшатишни сўрайди. Шунда жаҳли чиқиб кетган Кан ёнидан пичоқ олиб, икки марта уради. Полиция бошқармасида 28 ёшли Кан қотилликни қуйидагича изоҳлаб берди: «Телефонда икки киши билан 9 минутга яқин гаплашдим, ўша аёл келиб, телефонни тезроқ бўшатиб беришимни сўраб, мени ҳақорат қилди, тутақиб кетиб, шартта пичоқ тортиб юбордим».

ШЕРЛОК ХОЛМС ОЙНОМАСИ

● ҲА, ИШОНАВЕРИНГ, жаҳонда шундай ойнома мавжуд бўлиб, у инглиз тилида «Бекерстрит жорнэл» деб аталади. Ушбу ойнома 1946 йилдан бошлаб, уч ойда бир марта 1700 нусхада чоп этилади. Шуниси қизиқки, ойнома муҳарририяти Лондонда эмас, балки Нью-Йорк шаҳрида жойлашган бўлиб, унинг ношири Шерлок Холмснинг америкалик мухлислари жамиятидир. Ойномада машҳур адабий қаҳрамон шахсини таҳлил этувчи, шунингдек, унинг машҳур «ишларини» муҳокама қилувчи мақолаларни ўқишингиз мумкин.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

Дўланани кесяпти!

Биз ўйинни йиғиштириб ўша томонга югурдик. Ҳаллослаб етиб келганимизда, дарҳақиқат, бир амаки биринчи дўланани кесиб бўлиб, унинг ёнгинасидаги тупга болта ура бошлаган экан.

— Ҳа, қизалоқлар, ўпкаларинг ишиб, ёв қувдими?— деди бизга парвосизларча назар ташлаб қўйгач.

ФАРЗАНДЛАРГА НИМА ДЕЙМИЗ?

— Нега дўланани кесяпсиз? — зарда қилдик биз.

Дўқимиз уни таажжубга солди. Бир нима демоққа чоғланди-ю, индамади. Ишини давом эттирди. Биз ҳам қараб тураверди. «Кес, дейишди, кесяпман. Пахтага соя қиларкан» деди гўё ўз-ўзига гапиргандай.

— Тутлар-чи, уларни кесмаяпсиз-ку. Улар соя қилмайдими?

— Тут керак. Баргини қурт ейди, — деди ёши биздан бироз каттароқ Ойтилла дугонамиз кесатиқ аралаш.

— Дўланани эса биз еймиз, — деди беш ёшли Ҳакима.

— Энди сен дўлана ўрнига ҳам тут еб қўяверасан,— деди Ойтилла яна ич-ичидан тошиб келаётган ғазабини яширолмай. Лекин дўлана кесаётган одам гўё бутун оламни унутган эди. Дунёда у-ю, болтаси бор, холос. Ялиниб ҳам кўрдик. Ўтинчларимиз зое кетди. Иккинчи дўланани ҳам саранжомлаб, болтасини ҳуржуни четига қистирди-да, эшагига миниб жўнаб қолди. Ҳар биримиз бисотимиздаги энг ёмон сўзлар билан қарғаган бўлдик. Мен эса болтали амакига нафратимни ифодалашга сўз тополмаганман. Сўз бойлигимга ҳали ундай сўзлар кириб келмаган эди. Кейинчалик уни шафқатсиз деб, яна кўп йиллар ўтгач эса, «манқурт» деб атадим.

Дўлана воқеасидан бир-икки йил ўтди. Бу вақтда биз ҳам далага ишга тортилгандик, кимдир онасига, кимдир опасига ёрдам бериш ниқоби остида. Ёзги таътил ойларида азонда кетиб, кун ботганда даладан қайтардик. Ёрдамчилар деб аташарди, биз кичкина ҳашарчиларни!

Дала четларида чарчоқларимизни тарқатиб, завқ бағишлайдиган, биз меваларидан маза қилиб ейдиган дўланалар, жийдалар, наъматак (итбурун) ва майманчаклардан асар ҳам қолмади. Биз бу меваларни мунчоқ мисол шода-шода қилиб (игнадан ўтказиб ипга тизардик) бўйнимизга осганча еб юрардик. Уйга, укаларимизга ҳам олиб борардик. Балки ғўр, ўйинқароқ дугоналар ана шу мевалар шарофати билан турли касалликларга чалинмагандирмиз. Ваҳоланки, «кукурузник»лар осмонимизда пайдо бўлиб, далаларга дори сепган кун бизга байрам — ўша майдондан қочиш кераклигидан бехабар тайёра сояси бўйлаб чопардик. Неча-неча бор заҳри қотилдан «баҳраманд» этишган... Мен энди нима учун боғлардаги мевали дарахтларга ва пахтазорлар четидаги тутларга сап-сариқ кимёвий дори сепган тракторчи ака бир мавсумнинг ўзида касалланиб, шифохонага тушгани ва дардманд бўлиб қолганининг сабабини биламан. У шўрликка «противогаз» киймаслик оқибатларидан бироз хабардор этилганда шу ишни зиммасига олармиди? Ҳимояланиш ниқобисиз ишлармиди? Ахир у ҳам ҳаётни, болаларини жуда-жуда севади, турмушини фаровонлаштириш йўлида ўзини ўтдан чўққа уради.

Йиллар ўтиб, мен отини ҳам билмаган, баҳорда муаттар бўй таратувчи бўталар ва бошқа ўсимликлардан ҳам қишлоғимиз табиати ёппасига «тозаланиб» кетди. Мевалилари кўркўрона йўқотилганда, мевасизлари қолармиди? Шу тариқа далаларимиз «маданийлаштирилди», шу тариқа бизлар, маҳалладош қизларни яшил дўстларимиздан жудо этишди. Ўшанда, менинг назаримда, катталар буни «шундай бўлиши керакдир-да» дея бепарво қабул қилишди. Кичкиналарнинг йўқотишдан диллари яра эди.

Қосим ака Иброҳимов —биринчи ўқитувчимиз, ажойиб инсон эди. У бизларни тез-тез табиат қўйнига олиб чиқиб турарди. Фақат угина қушларни, барча мавжудотларни, ҳайвонот оламини, ҳаттоки биз унча ҳушламайдиган қурт-қумурсқалар, тиканли ўтларни ҳам авайлаш кераклигини таъкидларди. Қисқаси, биз учун энг одил, энг яхши, билимдон инсон — Қосим ака эди. У бунга қандай эришганини ўйлаб ҳайратланаман.

Булоқ... Адир ён бағрида сой, тўртта булоғимиз бўларди. Бирини — энг каттасини — Оққийик ота булоғи дердик. Сабаби, унинг яқинида Оқ кийик ота — ғоят оқил, етти авлодингни билишинг шарт дегувчи, дардмандларни турли ўт-ўланлар, гиёҳлар билан даволовчи, адашганларга йўл кўрсатувчи донишманд табибнинг (одамларнинг ҳикояларини эшитгач, менда шундай тасаввур туғилганди) томида ёғочга кийик шохи ўрнатилган уйчаси бўларди. Бу булоқни қишлоғимиз аҳли, айниқса, эъзозларди. Қўшни момолар биздан ана шу булоқнинг сувидан келтириб беришни сўрашар, келтирганимизда ўтириб узоқ дуо қилардилар. «Илоё умринг шу булоқ сувидек тоза, беғубор ўтсин. Шу тиниқ сувдек юзинг ёруғ бўлсин» деб алқарди бувижоним пешонамдан ўпиб. Сўнг сувдан ичар, қўлларини намлаб юз-кўзларига суртиб ҳам қўярди.

Иккинчисини Сирли булоқ дердик. Аниқроғи — булоқча. Булоқ тубида баъзан тангалар, аллақандай мунчоқлар пайдо бўлиб қоларди. «Бу булоққа ҳадеб яқинлашиб уни безовта қилавериш мумкин эмас. Мабодо бирор орзу-ниятингдан сўйласанг рўёбини кўрасан» дерди доно Шаънгул энанинг маҳмадона невараси Ирисой опа бизга насиҳатомуз. Буни бидъатга йўйгимиз келмасди. Овоз чиқариб айтганда орзулари қатъийлашади кишининг. Ота-боболаримиз ана шу нарсани ва орзунинг рўёбига ишонч туйғусининг кучини назарда тутиб шундай панд-насиҳатлар қолдиришгандир. «Булоққа тупурма, ёмон бўлади. Булоққа тупурганинг — ўзингга тупурганинг». Лекин момоларимизнинг бу олтинга тенг ўгитлари қадрланмади. Кейинчалик булоқларимиздан ҳам айрилиб қолдик.

Кунлардан бир кун қишлоғимизга қувур ётқизувчилар келишди. Руф исмли немис, Серёжа исмли рус йигитлари. Қурувчилар хулқ-атворлари билан ҳам, меҳнатсеварликлари билан ҳам одамларга манзур бўлишди. Уларни ҳар бир оила қўлдан келганча меҳмон қилишга — миннатдорчиликларини изҳор қилишга интиларди. Неғаки, улар сойдан сув — ҳаёт келтиришмоқда эди. Қишлоқ халқи хурсанд, сув бемалол, ҳосил мўл бўлади, деб. Жумладан, биз, болалар ҳам. Қайдан билайлик — севимли «сой»имиз тақдирининг чаппа айланиб кетишини!

Нега бу жойлар ўз тароватини йўқотди? Бу саволга ҳар ким ўзича жавоб қидиради.

— Ҳамма бало шу қувурда. Сойнинг суви тортиб олинди-ю, унинг сойлик жойи қолмади. Адирдан файз кетди.

— Сойнинг сувини олмасак, қайси сувда экин етиштирардик. Сой-у, сой соҳиллари қорнимизни тўйдирмайди-ку!

Тенгқурлар соатлаб баҳслашамиз. Бир нафи бўлса экан! Бироқ баҳс ҳам, мунозара ҳам, таклифлар ҳам керак. Биргина бизнинг қишлоқда шунча муаммо. Токи фарзандлар хатоларни англасин. Тўғри, аниқ йўл тутишсин.

Ҳафиза САЛЯХОВА,
Фарғона вилояти,
Қувасой шаҳри.

БУ ҚАНДАЙ КАСАЛЛИК?

«Қора оқсоқ» — юқумли касаллик. У одамларга касалланган ҳайвонлардан юқиши, камдан-кам ҳолларда эса эмизикли болага она сутидан ўтиши мумкин. Шунингдек, хўжаликда боқиладиган молларни ўз вақтида эмламаслик, уларни мунтазам равишда ветеринария кўригидан ўтказиб турмаслик оқибатида хонадон соҳиблари ҳам бу касаллик билан оғрийдилар. Касаллик одатда бирдан бошланади: бадан увушиб, иситма кўтарилади: терлаш, иштаҳанинг бўғилиши, бел оғриғи, жигар ва талоқнинг катталашиши каби белгилар пайдо бўлади. Касаллик бошланиш даврида беморлар ўз дардларини шамоллаш, бод касалликлари билан боғлаб, мутахассисларга мурожаат қилишни кечиктирадилар. Натижада уларнинг аҳволи оғирлашади, юролмай қоладилар.

Қўзилатиш даврида, қоракўл қўйларининг жунларини тайёрлаш пайтида ёш болаларни, кексаларни, айниқса ҳомиладор ва эмизикли аёлларни ишга жалб этиш қатъиян ман этилади.

Саломат ҒОЙИБНАЗАРОВА,
Тошкент тиббиёт илм даргоҳи 1-клиник даволаш муассасасининг шифокори.

«Митти юракдаги катта жароҳат»

Рўзномамизда шу сарлавҳали мақола босилгач, муштарийларимиздан жуда кўплаб хатлар олдик. Уларнинг айримларини эътиборингизга ҳавола этамиз.

БУ ДАҲШАТ ЭМАСМИ!

Турсунзода алюминий заводи мўриларидан чиқаётган заҳарли газларнинг Сурхондарё вилоятидаги Сариосиё, Денов, Шўрчи ноҳиялари аҳолисининг соғлиғига, гўзал табиатига катта зарар етказаётгани ҳақида эшитган эдим. Мақолани ўқиб, бунга яна бир бор амин бўлдим. Лекин шунча гап-сўзлардан кейин ҳам бирор-бир ўзгариш бўлмаётганлиги мени изтиробга солади.

• Жамиятимиз учун бойлик инсон соғлиғидан устун турмаслиги керак. Завод, албатта, ёпилиши лозим. Мен ҳам бу талабни қўллаб-қувватлайман.

Р. ДАВЛАТОВ.

Қумқўрғон ноҳияси.

ТАШВИШДАМАН

Мақолада таъкидланганидек, алюминий заводи вилоятимиздаги Сариосиё ва Денов ноҳияларига катта зарар етказмоқда. Болалар ўлими, аёллар ўртасида камқонлик, бепуштлик касалликлари кундан-кунга кўпайиб боряпти. Келажак майиб-мажруҳлар қўлида қолмасмикин, деган ташвишдаман.

Х. ЭГАМОВ.


Термиз шаҳри.

МЕН ҲАМ ШУНИ ИСТАЙМАН

Муаллифнинг фикрларига тўлиқ қўшиламан. У юртнинг тинчлигини, халқнинг осойишталигини, болаларнинг қувноқ ўсишини истаяпти. Вазиятнинг чигаллашаётганидан ташвишга тушгани ҳам яққол кўриниб турибди. Эртага бир гап бўлса, бағри кенг халқимизнинг шаънига туҳмат тошлари отилмасин, бунга йўл қўймайлик, деяпти.

Н. ДАВЛАТОВ.

Сариосиё.



Тоғларни виқорли деймиз. Тўғримикан шу фикримиз? Она сийнаси каби бизни оби-ҳаёт билан таъминлаётган, тўйдираётган шу тоғлар эмасми? Уларнинг гўзаллигини айтмайсизми? Оппоқ булутларга ёндош, ғадир-будир, ҳамиша ям-яшил баландликларга қараб юрагингиз орзиқмаганми? Кўкни, гўзалликни кўришни, ундан баҳраманд бўлишни истамаган инсон бормикин? Суратларга бир нигоҳ ташланг-а: ташна қалбингиз гўзалликдан баҳраманд бўлиши аниқ.

Н. ШАРИПОВ суратлари.

ҲУЗУР ҚИЛДИК

НАМАНГАНДАГИ Заҳириддин Бобур номли маданият ва истироҳат боғи ходимлари шаҳардаги барча корхона ва муассасалар жамоалари билан ҳамкорликда 30-анъанавий гул байрамига пухта ҳозирлик кўришди.

Ҳамшаҳаримиз, оташин лирик шоир Бобораҳим Машраб таваллудининг 350 йиллиги муносабати билан ўтказилаётган тадбирлар, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ижоди ва ҳаёти, шунингдек шеърият султони Алишер Навоий туғилган куннинг 550 йиллигига аталган юзлаб янги ғоялар ифодасини топадиган композициялар, гулдан панноллар ва кўргазмалар ясалдики — бу «Гул байрами»га ўзгача тароват бахш эта олди.

Бу йил 200 дан ортиқ гул ишқибозлари, саноат, қурилиш, алоқа ташкилотлари, 90 та мактаб ва болалар боғчалари жамоалари унда иштирок этишди. Байрамнинг биринчи ташкилотчиси Зоҳиджон ака Йўлдошев бошчилигидаги жюри ҳайъати ғолибларни аниқлади.

1-поликлиника шифокорлари Маргарита Суворова, Асия Хабибулина, Абдуллахон Мамаджонов, Ҳошимжон Алихоновлар Бобораҳим Машраб ҳаёти ва ижоди билан яқиндан таниш эканликлари, бутун мамлакат халқи Орол ташвиши билан яшаётгани борасида ажойиб тасаввурли композиция топишган. Машрабнинг

На малакман, на фаришта, мен ҳам одам наслидин,
Мен таваллуди ўшал фарзанди Намангонимен...

дея куйлаётгани, шунингдек, тиббиётнинг асосчиси, АБУ АЛИ ИБН СИНО:

Хоҳласанг топмоқни дардингга дармон,
Табибдан дардингни айлама пинҳон...

дея сўзлаб тургани акс этган лаҳзалар байрам иштирокчиларини лол этди.

Шунинг учун ҳам тиббиёт муассасалари ўртасида бу жамоа фахрли биринчи ўринни эгаллади. КПСС XXV съезди номли аврли тўқималар ишлаб чиқариш бирлашмаси, Ўзбекистон ССР 50 йиллиги номли шойи газламалар ишлаб чиқариш бирлашмаси биринчи ўринга муносиб деб топилиб, бадиий буюмлар фабрикаси жамоасининг 50 сотих жойда тайёрлаган гулшан масканлари минг-минг кишини мафтун этиб, «Гул байрами» чемпиони бўлишга муяссар этди.

Т. СУЛАЙМОНОВ.

КЕЙИН НИМА БЎЛАДИ?

Айтаман деса, гап кўп. Аммо эътиборли далиллар устида тўхталмаса бўлмас. Хўш, Туямўйин гидроузели не мақсадда қурилган? Сув танқислигининг олдини олиш, аҳолига кўмак бериш ниятида, дейишади. Лекин Амударё ўзанида оқиб келаётган лойқа сувлар Русловой сув омборида йиғилгач ундаги минераллар, ҳосилдор қаймоғи чўкиб қолмоқда, натижада Хоразм, ҚҚАССР ва Тошҳовуз вилоятларида тупроқ эррозияси ҳосил бўлиб, мелиоратив аҳвол ёмонлашди ва ундаги бўлган гумс моддалар 60—80 см. чуқурликка чўкиб қолмоқда. Ҳосилдорлик 41 центнердан 29 центнерга пасайди. Ҳар бир йил ҳисобига Хоразм, ҚҚАССР ва Тошҳовуз вилоятлари 159 миллион сўм зарар кўрмоқда. Шунингдек, Амударё сувининг ҳарорати гидроузел олдида бир даражагача пасайиб кетмоқда. Каналларга оқизилган сувнинг ҳарорати кўтарилмасдан экин майдонларига берилмоқда. Бу эса экишни беш-олти кун кечиктиради. Ривожланиш даврида ҳам шу ҳол. Экинларни ўсишига тўсиқ бўлади. Демак беш-олти мартаба ерни суғорганда сувнинг совиши ҳисобига бир ой муддатга ёз фасли қисқаради. Ҳосилдорлик ҳам кескин камаяди.

Экинларга лойқали сувнинг аҳамияти катта. У билан суғорилганда тиниқ сувга нисбатан миқдор ҳар бир гектар ҳисобига 1800 куб метр ўрнига 800 куб метрга қисқаради ва суғоришнинг сони ҳам тупроқда намнинг сақланиши ҳисобига камаяди.

Ҳозирги кунда Амударё суви сифатининг бузилишига йўл қўйилмоқда. Сабаб Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё ва Чоржўй вилоятлари экин майдонларининг кенгайиши ва ундан тушаётган оқава сувларининг кўпайиши натижасида гербицид, пестицид ва ҳар хил минерал тузларнинг кўпайишидир.

Айрим мутахассисларнинг фикрларига қараганда, матбуот хабарларида Оролнинг АҚШ, Япония ва бир қанча давлатларга таъсири бўлган эмиш. Бундай аҳволнинг келиб чиқиши негизини бутунлай йўқ қилишимиз керак. Бунинг олдини олиш мақсадида тезда ҳашар йўли билан жумҳуриятимиз сув хўжалиги қурилиш ташкилотларини, ўнг қирғоқ коллектори қурилишларини 15-20 км. дан бўлиб бериб 4-5 ой ичида Орол — Газлининг навбатдаги биринчи қурилишини бошлаш ва тамомлаб, иккинчи навбатдаги қурилишни бошлаш тавсия қилинади. Бунинг учун Бухоро, Қашқадарё, Андижон, Наманган вилоятлари ҳудудидаги Қорадарё, Парсангкўл, Бухоро бош коллекторини қайта таъмирлашга ажратилган 160 миллион сўмлик ишни тезкорлик билан тўхтатилишини юқори фирқа, шўро ташкилотларидан илтимос қиламиз. Акс ҳолда Қуйи Амударёда Орол фожиасидан оғир ва мушкул муаммо турибди. Агарда биз юқоридаги тадбир ўнг қирғоқ коллекторнинг биринчи қурилишини битказмас эканмиз, Амударёга кўплаб оқава сувлар ташланаверади.

Ўнг қирғоқ коллекторининг биринчи қисмидан Оролга тушадиган сув 400-500 куб метрни ташкил қилади.

Биринчи навбатда коллектор қурилиши бундан бир қанча асрлар илгари, яъни 1400 йилларда Арнасой ҳудудидан Зарафшон — Оқтов тоғ тизмалари оралиғидан оқиб ўтган ва Ақчадарё билан боғланиб оққан эски Олчиндарё (ҳозирги Сторий Русла) ўзани орқали бошланади. Бухоро коллекторини бирлаштириш кўзда тутилади. Шундай қилганда қийинчилик учрамайди. Тупроқ ишлари ҳажми кам бўлади. Коллекторнинг умумий узунлиги 158 километрга қисқаради. Сувнинг оқиш тезлиги катта. Коллекторга лойқа чўкмайди. Қизилқум, Учқудуқ, Мингбулоқ ҳудудларида ўтлоқзор кўпайиб, қум кўчишининг олди олинади. Чорвачилик ривожланиб, балиқчилик саноати учун қулайлик туғилади. Экологик аҳвол яхшиланади, ўрмончилик ривожланади. Ўнг қирғоқ коллекторининг Олчиндарё ўзани орқали ўтказилиши ҚҚАССРнинг Тўрткўл, Беруний ва Элликқалъа ноҳиялари ерларининг мелиоратив ҳолатини бузилмасдан сақланишига олиб келади.

Ҳозирги вақтда Султонсанжар ва Қўшбулоқ тўғонларида сақланаётган сувнинг таркибида тузли моддалар кўпайиб бормоқда. Султонсанжар ҳавзасидан фойдаланиш ҳар йили август—сентябрь ойларига тўғри келмоқда. Бу эса ҳосилнинг энг гулга кирган даври. Бир литр сувда бир грамм ош тузи бўлса 5 фоиз, 4-5 грамм ош тузи эса 35 фоиз ҳосилни йўқ қилади ҳамда пахта экинлари касалликка чалинади. Бунинг олдини олиш ва сувнинг таркибини яхшилаш мақсадида Султонсанжар сув ҳавзасини бутунлай йўқ қилмоқ даркор. Ош тузи конини дамба билан ўраб олиш аҳолининг саломатлиги йўлида шифохона ўрнида фойдаланиш мумкин эмасми? Таклифлар жавобсиз қолмоқда ёки айтганлари ҳам қаноат ҳосил қилмайди. Унинг ўрнига Байкунтақир сув ҳавзасини ташкил қилиш мақсадга мувофиқдир.

Шунингдек, Капарос сув омборидан ичимлик сув олиш мақсадида фойдаланиш кўзда тутилмоқда. Бу эса мақсадга мувофиқ эмас, чунки очиқ сув ҳавзаларидан истеъмолда фойдаланиш ман қилинади.

Хоразм вилоятининг қатор ноҳияларидаги ерларни сув босиб, мелоратив аҳвол ёмонлашишини ҳисобга олиб, Тошсақа каналининг экин майдонларини 85 минг гектар камайтириб олти ноҳияни чиқариб ташлашни ва улар учун алоҳида бетонлаштирилган 26 километр узунликда канал олиш мақсадга мувофиқдир. Янги ўзаннинг бўлиниши Тошсақа каналининг суғориш ҳажмини 85 минг гектаргача камайтиради. Демак бу канал Тошҳовуз вилояти ихтиёрига қолади. Тошҳовуз каналидан ирригация мақсадида фойдаланишга ҳожат бўлмай қолади. Ундан бошқа мақсадларда фойдаланишимиз мумкин.

Шу билан бирга коллекторни таъмирлаш учун 240 миллион сўм, Тошҳовуз каналининг иккинчи навбати қурилиши учун сарфланадиган 375 миллион сўм пул давлатга иқтисод қилинади. Дарёлик ва қўллик коллекторларнинг Устюрт қисмида, 58 километр масофада зовур қазиб, Судочи кўли билан бирлаштирилса, Оролга қарийб 300 метр куб секунд сув оқизиш имконияти туғилади.

Юсупбай САИДОВ,
гидротехник.

ЖАР ЁҚАСИДА

Камина ҳам табиат муаммолари тўғрисида озмикўпми баъзи бир фикрларга эгадир, бинобарин, шуларни кенг омма билан ўртоқлашиш шарафига муяссар бўлсам ўзимни бахтиёр ҳисоблаган бўлур эдим. Азизларга маълумки, пойтахтимиздан етмиш чақирим узоқликда гўзал бир гўша — «Ўзбекистон Швейцарияси» деб аталмиш Бўстонлиқ ноҳияси мавжуд. Очиқ айтиш мумкинки, биз фусункор ноҳияга ҳали айтарли даражада ёрдам кўрсатмаяпмиз. Маълумки, Чирчиқ водийсининг юқори қисмидаги табиат тўлалигича муҳофаза этилиб, «Ўзбекистон миллий боғи»га айлантирилади деганларига ҳам мана уч йил бўлмоқда.

Минг афсус ва надоматлар бўлгайки, табиатга нисбатан тошу-тарозини билмайиш кўрадиган, баъзи масалаларни бир ёқлама ҳал этадиган айрим раҳбарлар ҳали ҳам учраб туради.

Биргина мисол, яқинда она қишлоғим Сижжакка (асли номи Сечак — учирмоқ) борган эдим. У ердаги баъзи шошма-шошарлик билан қилинган ишни кўриб жуда ранжиб қайтдим.

Маълумки, Сечак қишлоғи сўлим Псқом водийсида жойлашган бўлиб Чорвоқ (Чорбоғдан) сўнг келадиган биринчи қишлоқ. Кираверишда адиру қирлар ястаниб ётади. Ҳар хил мевали ва манзарали дарахтлар: ўрик, олма ёнғоқ, бодом ва жийдалар кўзни қувонтиради. Бир неча йиллар илгари каттаю-кичик, меҳмону мезбон, ширин-шакар меваларидан таннавул қилиб, соя салқинларида истироҳатда бўлганлар.

Мени ўйлантирган нарса Шарқирама-сой тепалигидаги, 18-20 йилдан бери барқ уриб турган ўрикзорнинг бир қисми (тахминан 15 гектар) қўпориб ташланганлигидадир...

Эсимда бундан ўн-ўн икки йил муқаддам худди шундай «ташаббус»га гувоҳ бўлганман. Қишлоққа туташ бўлган ажиб ўрик ва гилосдан таркиб топган боғ, йўқ қилиниб ярмини тутзор (пилла планини кетидан қувганлар) ярмини эса узумзорга айлантириб, бир қисми сабзавот экинлари учун ажратилган эди. Натижада ўрикларнинг ноёб навлари йўқ қилинган эди.

Болалик йилларимизда қўйинларимизни тўлдириб уйга ўрик олиб келганда, баъзи пайтларда ота-онамиздан дакки ҳам эшитганмиз. Кўргиликни қарангки, ёзда дам олгани борадиган бўлсак, қайси қўшнининг уйида ўрик дарахти бор экан, деб сўраб-суриштириб қоламиз, фарзандларимиз учун эса бозорлардан фалон пулга сотиб оламиз...

Шу ўринда ҳақли бир савол туғилади. Хўш, хўжалик мутасаддилари боболардан мерос бўлиб қолган, ширин-шакар меваларни, минг бир дардга даво бўлган боғни йўқ қилиб, нима наф кўришди? Шарқирама сойдаги боғни кесиб, қандай фойдани кўзламоқдалар?

Шуни таъкидлашим кераккки, ер илмидан ўта бохабар бўлганлар билан баҳслашиб, менинг фикрим мутлоқ тўғри деган фикрдан йироқман. Ҳар қандай масала бир ёқлама эмас, балки йирик тортишувлар, фикрлар хилма-хиллиги натижасида ҳал бўлса, албатта фойда келтиргувсидир. Бу борада, ҳурматли академигимиз куюнчак табиат шайдоси М. В. Муҳаммаджоновнинг қуйидаги сўзларини эслаш жоиздир: «Бўстонлиқни табиат яратган мўъжиза дейдиган бўлсак, у ерни яқин кунларда миллий боғ деб эълон қилишни кутаётган бўлсак, унинг баданида биронта ҳам «жароҳатли» жой бўлмаслиги лозим».

Кўчат масаласига келсак, албатта қаерга қайси мевали дарахт экишни билишимиз шарт деб ўйлайман. Чунки ҳар бир ернинг ўзига хос хусусиятлари борки, исталган дарахтдан кутганимиздек серҳосил мева етиштира олмаймиз.

Бу борада кекса авлодда улкан тажриба бойлиги бор, ана шу авлоднинг йўл йўриқлари остида иш қурилса фойдадан ҳоли бўлмас. Мевали дарахтлар қатори, манзарали дарахтларни ҳам унутмаслигимиз керак.

Юқорида баён этилган тоғли зонада албатта намсизликка ўта чидамли; ёнғоқ, бодом, ўрик, олча, жийда каби мевали дарахтлар ўтқазилса, нур устига нур бўлур. Бу билан биз бозорларимиз пештахталарини ҳар хил меваларга тўлдириб, Ўзбекистон саҳоватини янада юксакроқ даражага кўтаришга ўз улушимизни қўшган бўлур эдик.

Яна бир муаммо хусусида. Илмий-техник тараққиёт, ишлаб чиқаришни индустриялаштириш, ҳар хил завод ва фабрика қурилишлари натижасида табиатга ваҳшиёна зарар етказиб келинмоқда. Бир вақтлар инсон оёғи етмаган табиат гўшалари, ҳозирги кунда забардаст техниканинг темир панжалари остида поймол бўлмоқда.

Тараққиёти ривожланган шаҳарларда яшаб, ижод қилаётган халқни бир кунга бўлса-да, табиат қўйнига ошиқиши ифлос ҳаво, доимий шовқин, иш жойидаги асабий ҳолатлардан чекинишидир.

Олимларимизнинг ҳисоб-китобларига бир назар солсак, табиат қўйнида қолдирилган ҳар қандай нарса чириб, ер қаърига сингмайди: масалан, қоғоз бўлаклари икки йилдан ошиқ кўк майсанинг ривожланишига халақит беради. Темир идишлар 90 йилдан ортиқ. Синдирилган шиша парчалари абадий — 1000 йилдан ортиқ, полиэтилен қоғозлар 200-250 йил давомигача туради. Булар оқибатида табиат қанчадан-қанча зарар кўради.

Маълумки, 1978 йили Ўзбекистон Қизил китоби жорий қилинди. Ҳозирги кундаги барча ноёб, бутунлай қирилиб кетиш арафасида турган бор жонзот ул китобнинг саҳифаларидан ўрин олган.

Бўстонлиқ табиатида шундай ўсимликлар борки, улар эндемик шароитда, яъни фақат шу ерда тарқалгандир. Булар: эремурус, Псқом пиёзи, Грейга ва Кауфман лолалари ҳамда бир қанча ноёб ҳайвонот турларидир. Булар ҳаммаси Қизил китобга битилган.

Ҳисоб-китобларга қараганда, агар табиат қўйнидан бир ўсимлик тури йўқолса, у билан боғлиқ бўлган 3 дан то 30 гача қурт-қумурсқа ва ўсимликнинг ҳар хил турлари йўқолишига сабаб бўлар экан.

Анвар НУР ХЎЖА,
Тошкент Давлат дорилфунуни умумий геология кафедраси ўқитувчиси.

Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотига номзодлар



РУҲИЯТ МУВОЗАНАТИ— ҚЎШИҚДАН

ТАҚДИРНИНГ инсонга бахшида этувчи қувончлари мўл. Юрагинг сарҳадлари ана шу туйғуларга торлик қилиб қолганда кенгликлар излаб қушдек чорлайсан. Сенинг қувончингни ўз бағрига жо этади у.

Тақдирнинг инсонга тасодифий зарбалари бисёр. Меҳр биёбонида йўл йўқотиб, саргашта кезганингда, дўстларинг дардингни тинглашга ярамай қолганида ҳам қўшиқ сенга малҳам, ҳамдард.

Буюк бобомиз Абу Наср ал-Форобий «Мусиқа киши руҳиятининг мувозанатга солгувчидир» деб лутф айлаганлар. Куйга, қўшиққа ўчлигимизнинг сирини ана шу сўзлар замирида англадим. Зеро, долғали замонамизда руҳиятимизни мувозанатдан чиқарганидан ҳузур қилгувчилар кам эмас.

Олтиариқлик хушовоз хонанда Охунжон Мадалиев ўз касби-кори кўнгил билан, инсон руҳияти билан боғлиқлигини чуқур ҳис этади. Ана шу сабабли ҳам у тинглаган, ижро этган қўшиқлар мусиқа мухлислари қалбига хуш ёқиб, уларнинг эътиборига сазовор бўлди.

Охунжон хоҳ она юрт, хоҳ меҳр-муҳаббат ҳақида куйласин, унга қалб қўрини бахшида этади.

— Юрак-юракдан ҳис қилиб айтилмаган қўшиқ тингловчилар қалбини забт этишга қодир эмас, — дейди Охунжон. У ёш бўлишига қарамай санъатнинг мангу асоси бўлмиш ҳақиқатларни ўзи учун кашф эта олганлигидан қувонасан киши.

У — муаллим. 20-ҳунар-техника билим юртида ёшларга устозлик қилади. Муаллим фақат айтар сўзи билан эмас, ўзини тутиш, одоби, камтаринлиги билан ҳам сабоқ беришини тушунади, унга амал қилади. Шу сабабли уни ҳурмат қилишади, қадрлашади.

У ҳурмат-эътиборга осонгина эришгани йўқ. Охунжоннинг болалиги ҳам тенгдошлари сингари пахта далаларида, рўзғор ташвишларида кечди. Ҳар қандай мушкул вазиятда у ўз кўнглини қўшиқ билан овутди. Унга суянди. Қўшиққа бўлган меҳр унга санъаткор бўлиш орзусини ҳадя этди. Орзу эса доимо тинимсиз изланишлар, ўз устида сабот билан ишлашни талаб этади. Охунжон машаққатлардан чўчимади. Ниҳоят, камолот пиллапоялари уни шонга, обрў-эътиборга етаклади.

Ота-она учун фарзанд камолини кўришдан зиёд қувонч йўқ. Падари бузрукворлари Нусратали ака ҳам, волидаи муҳтарамаси Турғуной опа ҳам Охунжоннинг ютуқларидан бирдек қувонишади. Рости, бу кунларнинг келишини Турғуной опа, айниқса, жуда орзу қилган эди. Ойнаи жаҳон энди чиққан маҳаллари хоразмлик машҳур ҳофиз Комилжон Отаниёзов куйлаганида фарзандларининг бирортаси шу каби хонанда бўлишини ният қилганди. Тақдирни қарангки, онанинг ниятлари ижобат бўлди. Беш фарзандидан бири — Охунжон санъаткор бўлиб етишди.

Мана бир неча йиллардирки, Охунжон Мадалиев эл хизматида. У ўз қўшиқларида халқ дилидаги армонларни, эзгу орзуларни, кишини покловчи дардларни куйлайди. Шу сабабли пахтакор деҳқон ҳам, донишманд талаба ҳам, қадоқ қўл ишчи ҳам унинг қўшиқларидан бирдек завқланади.

Охунжон ўз тингловчилари доирасини кенгайтириш учун санъаткор мавзунинг ранг-баранг бўлишига эътибор беришни лозим билади. «Қўшиққа асос бўлиб хизмат қиладиган шеър ҳақиқий поэзияга дахлдор бўлса, қўшиқ узоқ яшайди», — дейди у. Шу сабабли хонанда М. Юсуф, С. Сайид каби замонанинг пешқадам назм усталари ижодига мурожаат қилади.

Инсон қайси касбнинг бошини тутмасин, у аввало яхши хонадон соҳиби бўлиши керак. Йўқса, касби-корида барака бўлмайди. Охунжоннинг хулосаси шундай. У турмуш ўртоғи Хабибахон билан Хуршида, Хумора, Қиличбек исмли уч фарзандни вояга етказмоқда.

Ёш хонанда ҳали мухлисларга кўп янги қўшиқлар инъом этиш ниятида.

— Устозларим, дўстларим ёрдамида албатта, бу ниятларимни амалга ошираман, — дейди Охунжон. Биз ҳам унинг руҳиятимизни мувозанатга солишдек сеҳрли қудратга эга янги қўшиқларини кутиб қоламиз.

Амирқул КАРИМ.

* * *

Суратлар муаллифи Жўра БОБОРАҲМАТ.





Ахлоқ мавзуида

Лайлонинг бахтини ким ўғирлади?

Қибрайдаги ногирон болалар уйининг янги биноси ўз кўринишию, жиҳозлари билан кўпроқ болалар боғчасини эслатди. Қатор тизиб қўйилган ўйинчоқлар-у, девордаги кун тартиби. Уйқудан уйғониш, овқатланиш, машғулотлар... Фақат болалар овозигина эшитилмасди.

Биз директор муовини Саломат Хайруллаева билан узоқ суҳбатлашдик. Унинг касби — шифокор. Ишлаётганига атиги 9 ой бўлган бўлса ҳам, «Болаларга ҳақиқий муносабатни шу ерда ўргандим», дейди. Саломат опа сўзларини тингларканман, хаёлимдан «Бу ерда ишлаш унча-мунча одамнинг қўлидан келавермаса керак», деган фикр ўтди. Иш вақти одатдагидай 7-8 соат эмас, балки кечасию-кундузи, узлуксиз...

Болалар уйида 102 бола тарбияланяпти. Улар орасида янги туғилган чақалоқдан то 4 ёшга тўлганлар бор. Олти гуруҳнинг ҳар бирида 15—20 нафардан бола. Ҳар ўн гўдакка бир энага, бир тарбиячи ажратилган.

Саломат опа қандайдир қоғозларга қўл қўя туриб, улардан бирига ишора қилди:

— Яқин кунларда иссиқ сувни бутунлай ўчириб қўйишаркан. Иш бошлаганимиздан бери фақат илиқ сув келади. Ёзмаган жойимиз қолмади. Ахир кунига камида мингдан ортиқ йўргакни ювиш керак. Энди бўлса шуни ҳам кўп кўришяпти, — дейди у.

— Йилига тахминан қанча гўдакни бу ерга олиб келишади?

— Ҳар вақт ҳар хил. Ўртача ойига 1-2 боладан тўғри келади. 4 ёшга тўлганларни Андижон, Фарғонадаги болалар уйларига юборамиз.

— Уларнинг келажаги ҳақида нималар дея оласиз?

— Айтишга қийналаман. Бизда жисмоний ногиронларга қараганда ақлан заиф болалар кўпчиликни ташкил этади.

— Саломат опа, нима сабабдан гўдаклар мажруҳ туғилмоқда?

— Биласизми, шунча йиллардан бери биз фақат арақхўр-у-кашандаларнинг болаларигина мажруҳ бўлади, деб келдик. Бу тўғри, албатта. Аммо эндиликда соғлом, рисоладаги ота-онадан ҳам майиб-мажруҳлар туғиляпти. Бу — экологик фожиалар оқибати. Заҳри қотил кимёвий дорилар ирсиятни бузяпти. Наслдан-наслга ўтувчи белги ва хусусиятларни ўзгартиряпти. Танадаги ўзгаришлар боис майиб-мажруҳ болалар дунёга келаяпти.

Тарбиячи Галина Алексеева бизни ўз қарамоғидаги болалар ҳузурига таклиф этади. Хонада ўн нафар гўдак, ҳаммаси тўрт ёшда. Оппоқ тўшакда жимгина ётишибди. Овоз чиқаришмайди.

— Мана бу, Лайло, — деб таништиради тарбиячи киприклари узун, чиройли қизалоқни кўрсатиб. — Тақдир ҳазилини кўрингки, шу маъсум, гўзал қизалоқнинг оёқлари калта, қийшиқ. Юролмайди. Ҳатто ўрнидан туролмайди ҳам.

Галина Алексеева Эдик деб таништирган боланинг боши катта, гавдаси ҳайрон қоларли даражада кичкина, кўзлари юмуқ, бошидаги қон томирлари бўртиб чиққан, кўм-кўк... Қизалоқлардан бирининг олдига яқинлашганимизда у чинқираб йиғлаб юборди. Тарбиячининг изоҳ беришича, қизалоқ одамлардан қўрқар экан.

Кўз кўрмаган, қулоқ эшитмаган мажруҳликлар. Бедаво дардлар. Бу ердаги болалар учун қад ростлаб ўтиришу мустақил қошиқ тутиш қанчалар бахт-а! Инсон азалдан интилган бахт ҳам шунчалар кичик бўларкан-да!

Умуман, бу ердаги болаларнинг ҳаммаси бир-бирига ўхшайди. Ҳаракатсизлиги, сукунати, ожизлиги, бечоралиги билан. Гўё ҳаммасини бир она туққандай.

Болалар уйидан оғир ўй билан чиқиб боракарканман, хаёлга толаман. Лайло каби ногирон болажонларга тўкислик қачон насиб этади. Нега, унинг бахтини қаро қилишган?

Гулнора РАЖАБОВА.
Тошкент вилояти.

МАКТАБГА ЁРДАМ ЖАМҒАРМАСИ

УЙ-ЖОЙ-ИЖТИМОИЙ банкининг Нукус бошқармасида махсус ҳисоб дафтарчаси очилди. Унга тушган маблағлар шошилинч ремонтга муҳтож мактабларга ёрдам бериш учун сарфланади.

— Ҳозир мухтор жумҳуриятда 40 га яқин мактаб авария ҳолатида, — дейди Қорақалпоғистон халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари М. Тасбоев. — Уларда 25 мингдан ортиқ бола ўқийди. Айниқса, Қўнғиротда, Элликқалъа ва Қораўзак ноҳияларида ўқув юртларининг аҳволи ниҳоятда оғир.

Қорақалпоғистон қишлоқ мактабларининг кўпчилиги мослаштирилган биноларда жойлашган. Уларда на ошхона, на спорт зали бор, энг оддий қулайликлар ҳам йўқ. Бу беш йилликда атиги 125 та янги мактаб қурилди. Эски биноларни ремонт қилиш учун катта маблағ сарфлаш керак, мухтор жумҳурият бюджетидан ажратилаётган пуллар эса етарли эмас. Маҳаллий Шўроларнинг ижроия қўмиталарида ҳам пул йўқ. Шу сабабдан «хароб мактаблар» жамғармасига катта умид қилмоқдамиз. Жамғармага меҳнат жамоалари, айрим фуқаролардан хайрия эҳсонлари тушишига умид қиляпмиз.

ОИЛАВИЙ БОЛАЛАР БОҒЧАСИ

ЖАЛОЛҚУДУҚ ноҳиясидаги Димитров номли жамоа хўжалиги техниги Исомиддин Маъмиров оиласи очган хонадон болалар боғчаси ҳар куни 12 нафар кичкинтойни ўз қучоғига олмоқда.

Боғчага уй бекаси Асалхон опа «мудиралик» қилади. У ўз вақтида жамоа хўжалигининг болалар боғчасида ишлаган эди. Асалхон опа ҳозир педагогика институтида сиртдан ўқимоқда.

Бу оиланинг уйи катта, кенг ва ёруғ хоналари кўп бўлганлиги сабабли ухлаш учун, ўйнаш учун хоналар ажратилди, емакхона ҳам бор. Кичкинтойлар катта ва салқин ҳовлида очиқ ҳаводa маза қилиб дам оладилар.

— Боғчамиз жамоа хўжалиги болалар боғчасининг бўлимидир, — дейди Асалхон Мамирова. — У ердан болаларга овқат олиб келишади, зарур бўлиб қолса, бошқа ишларда ҳам кўмаклашишади. Қизларим — юқори синф ўқувчилари Бахтихон билан Кароматхон менинг энг яқин ёрдамчиларимдир.

БИРОДАРЛАР

ФАРҒОНАЛИКЛАР Қувасойдан келган меҳмонларни «Тановар»нинг ёқимли оҳанглари, нон-туз билан кутиб олдилар. Меҳмонлар вилоят марказига «Менинг маҳаллам — менинг фахрим» байрамига келган эдилар.

М. Горький номли маданият ва истироҳат боғида мазкур учрашувга атаб, Фарғона ва Қувасой корхоналари маҳсулотларининг кўргазмаси тайёрланган эди. Меҳмонлар Фарғона шаҳридаги 5-маҳалла қўмитаси раисининг ўринбосари Муҳаббат Матқосимованинг сўзларини катта эътибор билан тингладилар. М. Матқосимова ўз маҳалласида турли халқларнинг вакиллари қандай яшаётганлиги, улар ҳашар йўли билан чойхона ва нонвойхона қураётганликлари, кўчалар ва уйларни ободонлаштираётганликлари ҳақида гапириб берди.

Учрашувнинг расмий қисми тугаши билан мусиқа садолари янгради. Боғнинг очиқ саҳнасида рус халқ қўшиқлари, ўзбек оҳанглари тарала бошлади. Бу қўшиқ ва оҳангларни Қувасой ветеранлар хори, Фарғона бадиий ҳаваскорлик жамоаларининг қатнашчилари ижро этишди. Шундан кейин саҳнага татар ва тожик ансамбллари кўтарилди. Улар жозибали, қалбларни ром этувчи рақсларни ижро этишди. Икки қўшни шаҳарда истиқомат қилаётган кишиларнинг чинакам дўстлигини ёрқин намойиш этган бу байрам тўрт соатдан кўпроқ давом этди.

15 сентябрь куни фарғоналиклар Қувасойга жавоб ташрифи буюрадилар.

(ЎзТАГ).

ТВ

31 АВГУСТ — ЖУМА

● ЎзТВ I

11.30 «Қадрдонлар кўчаси». Фильм-концерт. («Ўзбектелефильм»). 11.55 И. Тўхтаев. «Қабрдаги хазина». Видеофильм. 2-қисм. 13.00 «Магистраль». Бадиий фильм. («Мосфильм»).

* * *

17.25 Кўрсатувлар тартиби. 17.30 Янгиликлар. 17.35 «Оҳ, маликам». Мультфильм. 17.45 Болалар учун. «Хайр боғча, салом мактаб!». 18.15 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Талабалик йилларим». 19.00 «Рақслар гулдастаси». 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.45 «Хотира». Ўзбекистон ССР халқ артисти Амин Турдиев таваллудининг 80 йиллигига. 20.20 «Одобнома». 20.30 Москва. «Вақт». 21.00 «Келажагимиз мактабда». Жумҳурият халқ таълими ходимларининг август кенгашларида. 22.00 «Ахборот». 22.20 «Театр ва замон». Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг янги мавсумига бағишланади. 23.30 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

18.10 Спорт шарҳи (рус тилида»). 18.45 Тижорат хабарлари. 18.55 «Дима Горининг мартабаси». Бадиий фильм (М. Горький номли киностудия).

ДУШАНБЕ КУРСАТАДИ:

20.30 Москва. «Вақт». 21.00 «Парасту». Телетомошабинларнинг талабларига биноан концерт. 22.00 «Ахбор». 22.20 «Контакт». Кўрсатувда Тожикистон ССР Халқ таълими вазирлигининг вакиллари иштирок этадилар. 23.20 «Ҳамшира». Ҳужжатли фильм.

● МТ I

6.00 «120 минут». 8.05 «Ўртадаги киши учун лифт». Тўрт серияли телевизион бадиий фильм премьераси. Тўртинчи кўриниш — «Адолат». 8.40 И. Л. Андронниковнинг оғзаки ҳикоялари. 9.45 «Саёҳатчилар клуби». 10.45 Н. Латинский чалади (скрипка). 11.15 «...16 ёшгача ва ундан катталар».

* * *

15.45 Қалмиқ «Жангар» достони ҳақида телеочерк. 16.10 «Агар сиз...». 16.55 «Таътиллар — айни спорт билан шуғулланадиган пайт». 17.40 Г. Няга романсларини Е. Димитру ижро этади. Кишиневдан кўрсатилади. 18.00 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати. 18.30 Долзарб интервью. 18.40 «Қиролнинг янги кўйлаги». Мультфильм. 19.00 Халқаро конкурс лауреати А. Ковтун чалади (баян). 19.15 «Ўсимликлар саргузаштлари». Кўп серияли телевизион илмий-оммабоп фильм. 10-серия — «Ўсимлик ва чумоли». 19.40 Шеърият лаҳзалари. 19.50 «Ўртадаги киши учун лифт». Тўрт серияли телевизион бадиий фильм премьераси. Тўртинчи кўриниш — «Адолат». 20.30 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати. 21.00 Коллаж (реклама, ахборот, эълонлар). 21.05 Ички ишлар вазирлиги маълумотларига кўра. 21.15 «Глембаи». Уч серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия. 21.55 «Бу бўлган... бўлганди...» 22.20 «Никоҳ». 23.05 «ТСН» Янгиликлар телевизион хизмати. 23.20 «Рақслар, рақслар, рақслар». Гамбургда бўлиб ўтган бал рақслари ижрочилари ўртасида жаҳон чемпионати.

● МТ II

8.00 Эрталабки бадан тарбия машқлари. 8.20 «Образ». Юқори синф ўқувчилари учун адабий кўрсатув. 9.35 Болалар учун фильм. «Таътилдаги саргузаштлар». 4-серия. 11.05 «Қачонлардир «Будильник»да». Болалар кўрсатуви саҳифаларида. 11.35 Такрорий телефильмлар сеанси. «Бахтли қирғоқ» (Польша телевидениеси).

* * *

16.30 «Дастлабки учрашувлар». Мультфильм. 16.40 РСФСР шаҳарлари телестудиялари. «32 даража совуқ» (Анадир). 17.40 Спорт ҳамма учун. 17.55 Ҳаракат хавфсизлиги учун. 18.00 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати (сурдо таржимаси билан). 18.30 «Биз яшаётган олам». Режиссёр И. Беляев фильмлари. «Жараён». «Инқилоб давом этади» туркумидан. 2-фильм. 19.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Алифбо». 19.45 Коллаж (реклама, ахборот, эълонлар). 19.50 Бородин номли Давлат квартетининг концерти.

Муҳаррир Жаббор РАЗЗОҚОВ.

ЁШ ЛЕНИНЧИ
«Молодой ленинец» орган ЦК ЛКСМ Узбекистана
Издаётся на узбекском языке.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32-УЙ.
ТЕЛЕФОНЛАР:
ҚАБУЛХОНА — 32-56-58
ХАТЛАР БЎЛИМИ — 32-54-65.
ИНДЕКС: 64607.
513500 НУСХАДА ЧОП ЭТИЛАДИ.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.
1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12
Д. — 235513.